




O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ / Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan e-mail: info@uzas.uz / 2016-yil 10-iyun №24 (4371)



Тўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фило, Ўзбекистоним!



Бунда камол топган ҳар кўз, ҳар киприк
Она юртининг кўзу киприкларидир.

Бугун бунёд бўлган ҳар йўл, ҳар кўприк
Буюк келажакнинг кўприкларидир.

Она юрт, ота макон. Озод ва обод жонажон диёр. Бугун унинг кўрку жамолига қараб тўймайсан киши. Қарши шаҳридаги том маънода қайта таъмирланиб, бунёд қилиниб, тўла-тўқис янгича ва замонавий маҳобат ва чирой касб этган қадимий Амир Темури кўприги, сўлим соҳиллари кўркам хиёбонлар Истиклол фарзандларининг порлоқ чехраларидан янада мунаввар ва нурафшондир.

ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒВОР ТҶЙИ

Халқимизнинг эзгу дуолари кўп. Бошининг тўйдан чиқмасин, деган ширин тилак шулардан биттаси. Тўй кўпчилигининг бошини қовуштиради, ҳордиқ беради, гулгун кайфият бахш этади.

Гоҳо баъзи бир маҳаллий мажлислардан кўра самаралироқдек туюлгучи бу гурунларда, аввало, айрим хонадонлардаги, маҳалладаги катта-кичик масалалар борасида сўз юритилиб, гап аста-секин юрт кўламидаги улкан-улкан ўзгаришларга бориб тақала бошлагани сайин, даврада ўз-ўзидан бўлакча бир жўшқинлик юзага келаверади. Бунга неча-неча бор гувоҳ бўлганмиз.

Бугун бир мамлакат миқёсида ўтказиладиган энг катта тўйнинг арафасида турибмиз – мўтабар Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, менлиги бор давлатлар қаторидан жой олганига ҳаёмай чорак аср тўлади. Қадрли Юртбошимизнинг бу кўтлуг санани юксак тантанаворлик, катта кўтаринкилик билан ўтказишга қаратилган қарори замирида беҳад меҳнатсеварлиги, тинчликпарварлиги, барчага бирдек кенгбағирлиги, яратувчанликка ўчлиги каби гўзал хислатлари билан оламда довруқ қозонаётган донишманд халқимизга нисбатан чуқур эҳтиром алоҳида товланиб турганлиги диққатга сазовордир.

Чиндан ҳам жуда ўзига хос халқмиз. Бу ўзига хослик, айниқса, учта хусусиятимизда бошқача яқриб кўринади: биринчиси – яхши ниятга таяниш, иккинчиси – уюшқоқлик, учинчиси – қаноат. Етти йўлаб бир айтилган яхши ниятлар бизни яратувчанлик йўлидаги улғувор мақ-

садлар сари етаклади; мислсиз уюшқоқлик боис кимларгадир хом хаёлдек туюлган кўлами кенгдан кенг вазифаларни амалда дўндириб удалашга эришдик; ўта чигал, энг оғир вазиятлардан лат емай чиқа олишимизда қаноат бизга асосий таянч бўлди.

Байрамни муносиб нишонлаш ҳақидаги қарорда юртимизда қисқа давр ичида қандай салмоқли-салмоқли галабалар кўлга киритилгани, халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида ҳайратланарли юксалишлар юз бераётгани, ижтимоий ҳимоя давлатимизнинг доимо диққат марказида бўлиб келаётгани, халқимиз маънавиятини оширишда, саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил саналмиш маданият, маориф, тиббиёт, спорт янглик йўналишларда катта ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани, тинчлик ва тотувлик учун кураш ўлкаимизнинг асосий ширини айланган қолгани, булар натижасида қадами шахдам ўзбек эллатининг ҳаёндаги обрўи кун сайин ошиб бораётгани каби ҳолатларни турли давраларда яна бир бор эслаб, энг аввало, фарзандларимизда оналар эришаётган зафарлардан фахрланиш ҳиссини янада кўнайитиришнинг аҳамияти бекиёслиги ўринли равишда таъкидлаб ўтилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

Энг улғу ва энг азиз байрамимизнинг бу йилги бош гоёси “Тўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фило, Ўзбекистоним!” деб белгилангани ҳар бир ватандошимиз қалбида бекиёс акс-садо бермоқда.

БИЗНИНГ БУЮК МЎЎЖИЗАМИЗ

Бугунги тинч-осойишта турмушимиз, мусаффо осмонимиз, улкан бунёдкорликлар маконига айланган заманимиз нафақат ўзимиз, балки бутун дунёдаги тараққийпарвар халқлар учун намуна бўлаётди. Буни яқин кўшнларимиз, қолаверса нуфузли халқаро рейтинг агентликлари ҳам эътироф этмоқда. Қарордаги “Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни кўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган тараққий стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва

Муносабат

Муносабат

Давоми иккинчи саҳифада.

ҲАЙРАТЛАР ДАВРИ

Йигирма беш йил тарих наздида ривожланиш сари юз тутган бир мамлакат тараққийоти учун ниҳоятда қисқа фурсат. Лекин она юртимиз Ўзбекистон мисолида ана шундай қисқа вақт ичида ҳам оламшумул ўзгаришларни амалга ошириш мумкинлигига нафақат ўзимиз, балки бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори билан танишиш асносида бу фикрнинг гоё тўғри эканига яна бир бор иқдор бўлдим.

Бугун юртимизда юз бераётган ўзгаришларни кўриб, унча-унча одамнинг ҳайратланиши табиий. Иқтисодиётда саноатнинг улуши 34 фоизга етгани, тайёр маҳсулотлар улуши экспорт таркибида 70 фоиздан зиёд ўтказилаётган ислохотларнинг ёрқин самарасидир. Мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида республикамизда аҳил-иноқ бўлиб яшаётган 136 миллат ва эллатининг ҳиссаси борлигини назарда тутса, буларнинг бари юртимизда ҳукм сураётган тинч-осуда, фаровон ҳаётнинг, келажакка дадил ишончининг самараси эканини янада теран ҳис қиламиз.

Давоми бешинчи саҳифада.

Ўзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Бу галли Устурт сафарига бизга “Устурт платоси флора ва фаунасини ўрганишнинг долзарб масалалари” мавзуида магистрлик ишига материал йиғиш учун келатган Файзулла ҳам ҳамроҳлик қилди.

БЕРДАҚ ОРЗУ ҚИЛГАНДАЙ

Сахро кўеши шу қадар ҳароратли эдики, ҳайдовчи ҳам, йигирма уч яшар йигит ҳам кабинадан бош чиқаргиси келмайти. Иссиқ шамол одам тугул беадад биёбонга ҳам ёқмайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот институти ар-

хеологларидан Шомил оға Амировнинг тушунтиришича, айнан Ассаке-аудандан ярим соатлик масофадаги Шақлақти (Чақмоқли)да ота-боболаримизнинг тош асрига оид 60 дан ортиқ қўналгалари топилган. Бу қўналгалар таниқли қорақалпоқ археологлари томонидан атрофлича ўрганилган. Археологлар битта

Шақлақтидан қадимги замонларга оид 15545 та ноёб ашё топилган. Устуртнинг тўрт тарафидаги қальалар, қўрғонлар, сардобалар, ерости горлари, зиёратгоҳлар шундай тоғилмаларга бой.

— Устуртда бутун жаҳон археологларининг тинчини ўғирлаган бир ажойиб маскан бор, — дейди Ш.Амиров. — Бу икки қақириму етти юз метрлик Девкесган деворидир. У Буюк Хитой деворидан деярли ярим минг йил муқаддам бийдай биёбонда метиндек мустаҳкам қилиб қурилган. Устуртнинг иккинчи мўъжизаси саҳронинг бир қанча жойларида ажодларимиз томонидан махсус қиррали тошлардан териб чиқиб яратилган ўқ-ёй пайкони-нинг 800-900 метрли шакллари.

Давоми иккинчи саҳифада.

САМАРҚАНДА КИТОБ БАЙРАМИ

Юртимиз бўйлаб аънавий тарада ўтказиб келинаётган “Китоб байрами” тадбирининг наватдаги самарқандлик китобсеварлар, адабиёт ва илм аҳли учун муҳиммас воқеа бўлди. Байрам шаҳарнинг “Бўстонсарой” кўчасидаги “Самарқанд китоб олами” мажмуасининг очилиши билан бошланди. Янги мажмуада 13 бўлим фаолият юритади. “Президент асарлари”, “Хуқуқий адабиётлар”, “Бадий адабиётлар” қатори “Хорижий адабиётлар” бўлими ҳам ташкил этилган. Ундан рус, инглиз, араб, япон, немис, корейс тилларидаги китоблар ўрин олган. Бугун китоб мутлоасини “Виртуал кутубхона”сиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мажмуада бундай имкониятлар ҳам мавжуд.

Мажмуа очилишида вилоят ҳокими Зоир Мирзаев, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омонулла Юнусов, Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли ижодкорлар, олимлар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.

Ўзувчилар уюшмаси вилоят бўлими биноси ёнида “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажак эътибор” ширин остида китоб кўргазмаси ташкил этилди. Байрам тадбирида таълим муассасаларининг ўқитувчи ва талабалари қатнашди. Хорижлик сайёҳлар юртимизда нашр этилаётган янги китоблар, кутубхоналар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ориф Гулханний уй-музейида таниқли ўзувчи Луқмон Бўрихоннинг “Кўёш хали ботмаган” китоби тақдими бўлиб ўтди. Тақдимида СамДУ ўзбек филологияси факултети қошидаги “Шаллола” ижодкор талабалар тўғраги аъзолари, профессор-ўқитувчилар фаол иштирок этдилар. “Китоб байрами” вилоятнинг таниқли ва иқтидорли ёш шоирлари мушоираси ва концерт дастурига уланиб кетди.

Анжуман

Ориф ҲОЖИЕВ,

Ўзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари

БЕРДАҚ ОРЗУ ҚИЛГАНДАЙ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Тепадан олинган аэрофотосавирларда бу шаклларнинг юзлаб километр масофага чўзилгани кўриниб турибди. Учинчи мўъжиза Устюртнинг гарбидидаги Бейта қудуқлар мажмуи ёнидан, Сай-Утес шаҳарчаси томондан топилган етмишга яқин тош ҳайкаллар(айримларининг бўйи тўрт метрдан иборат)дир. Буларнинг қандай сир-асрори бор? Бу сирлар, албатта, қадимда ота-боларимизга маълум бўлган. Белеули карвонсаройи ҳам ҳайрат уйғотади. Бундай карвонсаройлар Буюк ипак йўлининг энг муҳим шохобчаси айнан Устюртдан Эдил ва Ёйиқ тарафларга, ундан Оврүпога ўтганининг далилидир.

Йўл юрдиқ, йўл юрсақ ҳам мўл юрдиқ. Тўхтаб сахронинг фаройиб чинклари, яъни тик жарларини томоша қилдиқ. Табиатнинг бир неча тусдаги ушбу мўъжизаларининг бўйи, эни, баланд-

чилиси Муҳаммад Али таржима қилган қорақалпоқ халқ достони "Шахриёр"ни тинглаймиз: "Жуда қадим замонда, Улуг Нўғой томонда, Улуг Нўғой юртинда, Ҳам ичинда, ҳам сиртинда, Элга суйғулик қараб, Довруқ солиб ҳар тараф, Етти иқлим кишварин, Тасарруф айлаб барин, Дасти зўр Дарапшахон, Сурди кўп давру даврон..."

Икки кун Устюрт ҳавосидан кўрагимизни тўлдириб нафас олдиқ. Файзулла сахронинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси тўғрисида кўп нарса ёзиб олди. Айниқса, табиатнинг сулув жонзотлари сайгоқларни асраш борасида ажойиб олим, биология фанлари номзоди Қўнисбой Қайипбеков жонбозлик кўрсатяпти.

Бундан йигирма беш йил муқаддам Устюртда "Сайгоқли" кўриқонаси таъсис этилди. Утган чорак асрнинг ҳар бир кунига, ҳар бир соатига назар солсангиз, Оролбўйида юзга келган экологик вазиятни юмшатиш борасида асрларга татиғулик ишлар бажарилганига гувоҳ бўласиз.

— Мен Устюртга, "Қирққиз" бекатига ўттиз яшар чоғимда келган эдим, — дейди меҳнат фахрийси Муротбой Ғойиббоев. — Ушунда темирйўл бекати, компрессор станцияси, бармоқ билан санарли хонадон бор эди, холос. Бугун-чи, биргина бизнинг шаҳарчамизда 216 оила истиқомат қилмоқда. Бу ерни бутун дунё билади. Ун йил аввал шундоқ ёнимизда Кўнғирот сода заводи шис бошлаган бўлса, бугун жаҳондаги энг йирик корхоналардан бири Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушиб, маҳсулот бера бошлади.

Муротбой оға ҳақ. Озод юрт аллақачон сахро сандиғига қалит солди. Муस्ताқиллик йилларидан углеводород конларининг катта қисми Устюртда жойлашган. Улар жадал сурьатларда ўзлаштирилмоқда. Буюк келажакни кўзлаб амалга оширилаётган кенг микёсли ишларга Юртбошимиз раҳнамолик қилмоқда. Кўнғирот сода заводи мамлакат кимё санаятида катта мавқега эга. У ҳар йили 100 минг тоннадан ортиқ кальцийли сода ишлаб чиқармоқда. Заваднинг иккинчи навбати ишга тушмоқда. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунаси деб эътироф этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Ажинийё шейрларидек ажойиб, Жўлимирза ва Тлеубергеннинг сеҳрли сатрларидек ширали шейрларига мурожаат қилгимиз келди:

О, шоирлик! Сенсиз сарик чўлдаймав,
Булонгидан ичган сайин чўлдаймав.

Шоир бу сўзларни гўзал ва сермаъно ҳаётимиз, муस्ताқиллик боис яшайётган дийримишга, икки дарё оралиғида асл жаннат яратайтган бунёдкор халқимизга йўллаган. Бу бағрикенг юртда яшаган сайин яшагинг, баркамол авлодга бахту омад тилагинг келади. Интиланга толе ёр: буюк Бердақ орзу қилган, боғида булбуллар сайраган давру давронга етдиқ. Энг улуг, энг азиз неъматимиз бўлган истиқлолимизга кўз тегмасин, бунёдкор халқимизга унинг эллиқ, юз, беш юз, минг йиллигини нишонлаш насиб этсин!

Янгибўй КўЧҚОРОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



лиги, жинслари ҳар хил. Тупроғи ва тошлари таркибида кремний кўп. Битта чинк олдиди тўхтадиқ. У денгиз сатҳидан уч юз эллиқ метр баландда экан. Тошкент телеминиорасини кўз олдингизда тасаввур қилиб кўрин.

Йўл юраимиз. Рельеф ўзгаради, ландшафт янгиланади. Яшил қўқатлар сариққа, анча юрганимиздан кейин кўнғирга дўнади. Кўнғир ранг Устюртнинг ўзига хос рамзи. Қадим замонларда бу ерлик сақлар ва массагетлар Волгабўйи бозорларига Кўнғиротдан кўнғир отда боришган. Балки Қурушнинг қилчичини синдирган Тўмарис момомизнинг тулпори ҳам кўнғир бўлгандир. Саёҳат инсон қонини жунбушга келтиради. Кимдир Тибет тоғларига, кимдир Арктика музликларига ошфута. Атоқли шоиримиз Матназар Абдулҳаким Устюрт заминининг шайдоси эди:

Отми илдам юрар, тўғми афзал?..
Отнинг саманини, кўнғир маъқул!
Гоҳ от, гоҳ отдан-да тўя ўғай сал,
Билар бунни сафар қилган ҳар оқл.

Унга Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ҳўрзобий Абдурахмонов, кўнғиротлик адиб ошнолари Умрбой Ёмбергенов, умрини А.Вамберининг қорақалпоқлик шоғирди Мулла Исҳоқ ҳаётини тадқиқ этишга бағишлаган Жапақ Шомуродовлар ҳамроҳлик қилишарди. Ҳам чўллаб, ҳам чўллаб бир чирпиги қирмон атрофида Ҳаким ота Сулаймон Боқирғоний ва Рабғузиддан, Навойи, Ҳофиз, Шекспир, Пушкин, Кунхўжа, Ажинийё, Оғайй, Бердақ, Фурқатдан сўз кетарди.

Кун қиз боладай қизариб ётоғига кирганда етмиш бир ёшли чўпон Жақсиллик ота бизни жилмайганча кутиб олади. Биз ҳар гал Жақсиллик ота ўтовига Устюртдек кенг қалби, меҳри ва дostonлари, ширин сўхбатлари учун талпиниб келамиз. Тун ярмидан оқанча отадан Ўзбекистон халқ ёзув-

МИЛЛАТ ОЙНАСИ

Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони мамлакат илм аҳлини, ўзбек тили ва адабиёти учун қўйинадиган ҳар бир юртдошимизни ниҳоятда қувонтирди. Университетга буюк Алишер Навоий бобимиз номи берилгани ниҳоятда ўринли. Маънавиятимиз тарихида Алишер Навоийдек тилимиз, адабиётимиз тақдири учун қайғурган даҳо ижодкор кам. Ўзбек тили дунёдаги бой тиллардан бўлгани ҳолда унинг тўлиқ жилоси илмий жиҳатдан очиб берилган эмас. Янги илм маскани тилимиз, адабиётимиз ҳақида теран таҳлил, салмоқли ва кенг қўламли илмий тадқиқотлар яратишга кенг йўл очади.

Университетнинг учта факультетидан биттаси ўзбек-инглиз таржима факультети бўлгани мамлакатимизда таржима ишлари янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз. Янги университет ўзбек тили ва адабиётини теран ўрганишга замин яратиш билан бирга, хорижий тилларни пухта эгаллашга, етук таржимонларни тайёрлашга қўмак беради.

Тил муस्ताқиллигини сақловчи воситалардан бири таржимондир. Маънавий бойлигимиз ўзга халқлар адабиёти, маданияти, санъати билан таниша борганимиз сари юксалади. Бу борада эса бадий таржиманинг ўрни бекиёс.

Фармонда университетнинг асосий вазибалари доирасида

гиёси рус тилида, "Ўзбек халқ эртақлари" немис тилида нашр этилди. Ёзувчилар уюшмаси Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда ўзбек адабиёти намуналарини мунтазам равишда да инглиз тилида нашр қилиш чораларини ишлаб чиқмоқда. Мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртида ёш таржимонлар тўғраги иш олиб боралаётир. Ҳазрат Навоийнинг 575 йиллиги муносабати билан Ўзбекистоннинг "Навоий" романининг инглизча таржимаси нашрга топширилди... Аммо булар барчаси денгиздан томчидек гап. Бу борада қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Шунинг учун малакали таржимонларга эҳтиёж катта. Ўзбек адабиётининг яхши таржималарини ўқиган хорижлик китобхонлар тилимизнинг бойлигидан ҳайратга тушгани сир эмас. Янги университетда таржимонлар тайёрлашга урғу берилмаётгани бу борадаги бўшлиқни тўлдиршига имкон яратади.

Дунёга фақат адабиётимиз намуналарини эмас, ўзбек тилини жаҳон университетларида ўқитишда ҳам бу янги илм даргоҳининг ўзига хос муносиб ўрни бўлади, албатта. Адабиёт миллатнинг ойнаси экан, унинг яхши намуналарини дунё микёсига олиб чиқиш ҳам миллат олдидаги муқаддас бурчдир. Янги университет мана шу бурчни адо этишга кенг имконият яратади.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби

Бошланиши биринчи саҳифада.

Зеро, эски тузум зугумларини кўрмаган фарзандларимизнинг аксариятида турмуш доим шундай бўлиб келган, деган тиршунча мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Халқимизнинг эрки бор мамлакат фуқаросига айланмоқлик борасидаги асрий орузи қандай қийинчиликларни енгиб ўтиш эвазига рўёбга чиққанини уларга қайта-қайта ўқитиб туришимиз эртанги кунимизнинг ҳақиқий эгаларини тарбиялашда, юрт тақдирини ишончли қўлларга топширишда улкан аҳамият касб этажиги табиийдир.

Бу жабҳада элнинг назарига яқин кишилар, жумладан, адиблар, олимлар, санъаткорлар, машҳур спортчилар астойдил фаоллик кўрсатишлари одат тусига кириб қолди. Яқинда бу туш республика бўйлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" шиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида қатнашган чоғимизда бу хол яна бир бор намоён бўлди. Ёшларимизнинг кўнглида саволлар беҳисоб. Ҳатто, расмий учрашув тугаб, бирга суратга тушиш бошланган пайтларда ҳам турли саволлар беришдан чарчашмади.

Масалан, шундай ўзаро гаплашувлардан бирида ўн икки ёшлардаги бир болакай "Юртимизнинг буюклигини нимадан билса бўлади?" деб сўраб қолди. Биз унга мамлакатимиздаги улкан курашларни, ҳар бир тармоққа оид униси бунисидан пурвиқор рақамларни бирма-бир санаб ўтирмай, ўз болагимиз-

Бошланиши биринчи саҳифада.

"...Муस्ताқиллик ҳаётимизнинг маъно-мазмунини тубдан ўзгартириб, халқимизни қарамлик қишанларидан озод қилгани, топталган қадриятларимиз, дину динатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёрғу келажакимизни ўз қўлимиз билан куриш йўлида беқийс имкониятлар очиб берганини кенг ёритиш" биз ижодкорлар олдидаги катта вазифа ҳисобланади. Шундай юксак масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда ёш авлодга муस्ताқилликнинг нечоғли муқаддас неъмат эканини янада кенгроқ тарғиб қилиб, "Ким эдигу ким бўлдиқ" деган саволга ҳаётий мисоллар билан жавоб беришимиз лозим.

Бир пайтлар мактаб синфхоналари деразасининг тағиғача пахта экилар, фарзандларимиз илм олишдан кўра қора меҳнат билан кўпроқ шуғулланиши учун ҳаракат қилинар эди. Муस्ताқилликнинг дастлабки йилларидан пахта якхақимлигига барҳам берилди. Ерга эғалик ҳисси шаклланиб, кўп тармоқли фермер хўжаликлари кўпаймоқда, уларнинг санаятлашайтгани, айниқса, мева, сабзавот экишга алоҳида эътибор қаратилгани натижасида бозорларимиз сароб, дастурхонларимиз эса тўкин-сочин, қут-баракка мўл.

Қарорда муस्ताқиллик йилларида иқтисодий қарийб олти баробар, аҳоли жон бошига тўри келадиган реал даромадлар 12 баробардан зиёд ошгани, олтин-валюта захираларимиз барқарор сурьатлар билан кўпайиб бораётгани мисолида кенг қўламли иқтисодий ислохотлари-

ОЗОД ХАЛҚНИНГ УЛУҒВОР ТҶЙИ

дан сўзлаб, ёмғир ёғса томидан чакка ўтиб турадиган тупроқтом мактабларда, синиқ парталарда ўтириб ўқиганимизни айтиб бердик, эндиликда фарзандларини жаҳон талабига мос ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, спорт майдонлари, спорт заллари, компютерлашган синфлар билан жиҳозланган мактабларда ўқитишга кучи етган давлатни буюк демай бўладими, деб жавоб қилдик. Жавоб уларнинг ўзига таниш муҳит билан боғлиқ бўлгани учун, бундан қониқши хосил қилишди, албатта.

Ўзимиз ҳам уларнинг сўхбатига тўймаётгандек эдик. Биз бу ёшда бор ҳашаматли билимдон, уларчалик кенгфикр эмас эдик, чамаси. Ҳавасимиз кўзиди.

Бу учрашувлар бизга бир мактаб бўлди, ёшларнинг гуруншиори остида ўтказилган ёшлар фестивалида қатнашган чоғимизда бу хол яна бир бор намоён бўлди. Ёшларимизнинг кўнглида саволлар беҳисоб. Ҳатто, расмий учрашув тугаб, бирга суратга тушиш бошланган пайтларда ҳам турли саволлар беришдан чарчашмади.

Масалан, шундай ўзаро гаплашувлардан бирида ўн икки ёшлардаги бир болакай "Юртимизнинг буюклигини нимадан билса бўлади?" деб сўраб қолди. Биз унга мамлакатимиздаги улкан курашларни, ҳар бир тармоққа оид униси бунисидан пурвиқор рақамларни бирма-бир санаб ўтирмай, ўз болагимиз-

миз самарасига алоҳида эътибор берилган. Истиқлол шарофати билан хусусий сектор жадал тарзда ривожланиб бормоқда. 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд кўпайтириши, иқтисодийимиз таркибида санаят улушини 40 фоизга етказиш бўйича белгиланган аниқ режа ва дастурларни амалга ошириш борасида оламшумул ишлар рўёбга чиқаётгани ҳар бир ватандошимизни беҳад қувонтиради.

Бугунги кунда жамиятимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган ўрта синф

бўлган кўҳна удумларимиз эндиликда эъзоз топаётгани сингаири масалаларга алоҳида урғу берилди. Бундай йиғинларнинг айримларида, либосу қилиқларни қайсидир хорижий эстрадачини эслатувчи хонандага тўсатдан навбат тегади-ю, мазмун паст матларга бастанланган сершовкин қўшиқнинг гат-гутлари кучайгани сайин, таниқли олимнинг ҳозиргина маънавий қадриятларимиз тўғрисида қилган маърузаси елга со-вуриллаётгандек таассурот уйғонуваридаги кишида. Бундай йонандаларга байрамон анжуманларнинг концерт залидан фарқи бўлишини аста шилшитиб қўйиш зарар қилмайдигандек кўринади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кенг давраларда ўтказилган томошаларда, айниқса, болалар ва ёшларга аталган қўшиқларимизда миллий руҳ алоҳида жаранглаб турмоғига олдингидан-да кўпроқ эътибор бераверганимиз яхши. Ҳар бир асарда, ҳар бир мусиқада, ҳар бир қўшиқда миллат ўзини таниб турганига нима етсин? Инсоннинг ўзигани англаш жараёни гоҳо биз унча назарга қармайди, шу латиф туйғуларни қарзидларга ҳам мерос қилиб қолдириш бахти барчабарчамизга умрбод йўлдош бўлаверсин, илоҳим!

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ҳам мамлакатимизда эртанги кун эгаларининг бахтли ва ҳар тарафлама ётуқ, комил шахслар бўлиб вояга етишида катта имониятлар очади. Илдизлири бақувват дарахнинг япроқлари ҳам яшноқ бўлади. Буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш туйғуси билан ўсаятган ёшлар Юртбошимиз айтганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Том маънода айтганда, дунёдаги жуда кўп мўъжизаларни эшитган, ўқиган, ҳайратланган бўлсак-да, икки аср оралиғида яшаган бизнинг авлод собиқ шўролар ис-канжасидан чиқиб, мустамлака асоратига барҳам бериб, жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрнини эгаллаганимиз — бу ҳамма билиб, кўриб турган буюк ҳақиқатдир. Ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бутун дунёда намуна бўлгулик давлатчилик андозасини яратиш, тинч-осойишта турмуш қуришга эришиш ҳам бизнинг бахтимиз. Қарорда таъкидланганидек, яқин ва узоқ қўшни мамлакатлар билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатимиз, ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, юртимиз худудидида чет давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига, ҳарбийлари-мизнинг хорижий мамлакатлардаги жанговар операцияларда қатнашишига йўл қўймаслик борасидаги мамлакатимизнинг ташқи сиёсий концепцияси ҳам бизни бағоятда мамнун этади.

Биз шундай тинчликсевар юртда яшаётганимиздан фахрланишга, ифтихор қилишга ҳақлимиз.

Зиёвуддин МАНСУР,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЖАВОҲИР ТҶЛА ХАЗИНА

Муҳтарам Президентимизнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонини ўқиб қанчалик суюнсақ, бу тарихий ҳужжатнинг эълворли ва зиёлилар зиммасига юклайдиган улкан вазифалар масъулиятини ҳам шунчалик чуқур ҳис этамиз. Негачи, тил — фақат маълум соҳа мутахассислари ўрганиб, фаолият олиб борадиган соҳа эмас, балки миллат тақдирига дахлдор, ўта муҳим жабҳа саналади.

Баъзан ўз фикрини она тилида эркин-равон баён қилолмаслигидан хижолат чекмай: "Ҳа, биз тилшунос ёки филолог эмасмизда", дейдиган мутахассис ва "зиёли"лар ҳам учрайди. Уларнинг бу фикрига асло қўшилиб бўлмайди. Муҳтарам Юртбошимизнинг иборалари билан айтганда, "Ўз фикрини мўзлаб мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин".

Биз тарих саҳнасига кеча ёки бугун чиққан миллат эмасмиз. Утмишда боболаримиз қурган давлатлар бой ва қудратли бўлган. Бу омил тилимиз мавқеида ҳам ақс этган. Фармонда белгиланган вазибалар қанчалик эълворли ва масъулиятли бўлса, бизга шунчалик куч-ғайрат, фахр ва гуруҳ ҳам бахш этади. Масалан, "...она тилимизнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, унинг компютер услубини, ўзбек тили ва дунёдаги етакчи

БИЗНИНГ БУЮК МЎЪЖИЗАМИЗ

— мулкдорлар синфининг жадал ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етгани, айни шу тармоқда иш билан банд аҳолининг 77,9 фоизи меҳнат қилиб, мамлакатимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшаётгани ҳам бу борадаги ютуқларнинг таъ омилиридандир.

Қарорда ёш авлодимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилгани, сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етгани ва бошқа мисоллар тилга олингани

ҳам мамлакатимизда эртанги кун эгаларининг бахтли ва ҳар тарафлама ётуқ, комил шахслар бўлиб вояга етишида катта имониятлар очади. Илдизлири бақувват дарахнинг япроқлари ҳам яшноқ бўлади. Буюк аждодларга муносиб авлод бўлиш туйғуси билан ўсаятган ёшлар Юртбошимиз айтганидек, биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт.

Биз шундай тинчликсевар юртда яшаётганимиздан фахрланишга, ифтихор қилишга ҳақлимиз.

Зиёвуддин МАНСУР,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ватанпарварлик белгилари саналади. Зотан, она тилимиз жавоҳир тўла хазинаки, унинг кадр-қимматини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди.

Қадим биткиларда "ҳифзи лисон" деган жумла бор. Ҳифз — сақлаш, қўриқлаш, лисон — тил маъносини билдиради. Бу сўзни мутафаккир Абдулла Авлоний шундай шарҳлаган: "Ҳифзи лисон ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётининг сақламагини аниглаш. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадиган оина ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдир..."

"Меҳробдан чаён"да тасвирланишича, мушйиллардан бири ёзган ҳужжатда арабча, форсча сўзларини кўп ишлатади. Бундан хуноб бўлган ҳо: "Бунинг энаси арапқа текканма?", дейди. Ёш мизра Анварнинг соф ўзбек тилидаги равон ёзувлари эса олампахоға дарров ёқиб қолади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини илк қадамини "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзуга бағишланган республика илмий-амалий анжумани билан бошлагани ўзига хос рамзий маъно касб этади. Юксак савияда ўтган анжуманда адабиётшунослардан Н.Жабборовнинг "Алишер Навоий энциклопедиясини яратиш тамойиллари", Н.Раҳмоновнинг "Алишер Навоий адабиётини қандай даврлаштирган?", Н.Шодмоновнинг "Навоий асарлари номилири хусусида баъзи мулоҳазалар", А.Турсуннинг "Алишер Навоий ижодида таълим-тарбия масалалари" мавзуларидаги маърузалари барчада катта қизиқиш уйғотди. Улуг бобоқалонимизнинг муборак номи билан бошланган эзгу иш, албатта, хайрли бўлажақ.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Гулчеҳра ЖҰРАЕВА



ҚИЗЛАР ҚУЛОҒИДА ҚҶШАЛОҚ ТИЛОС

Холваси, майизи, новвот, асали
Бир умр қолади тилда шираси.
Санаб етолмайман, кўпдир мазали,
Юртим тупроғи зар, гапнинг сираси.

Оламда тенги йўқ дастурхонимиз,
Атрофи ёзу киш гавжум меҳмонга.
Меҳрни тоблайди тузу нонимиз,
Соф диллар нитилар Ўзбекистонга!

ДУНЁ ТУРГУНЧА ЯША

Кел, эй юртим, бутун байрам,
Дўни кийдирай бошга.
Зап ярашган беқасам тўн,
Ҳасрат кўрмагил бошқа.

Қадди расо бўйларингдан
Ўзим кучиб айналай.
Чиройинга бўлиб мафтун,
Атрофингдан айланай.

Халқинг гўзал, башанг, кўркам,
Ясан-тусан ҳарёқлар.
Кўнгилларга шуқуҳ солар
Ҳилпираган байроқлар...

Авжга чиқсин карнай-сурнай,
Тўйхоналар янгрисин.
Озодликнинг оғушида
Катта-кичик яйрасин.

Осмон узра Хумо учсин,
Куйласин фавворалар.
Бахтиёрлар рақсга тушсин,
Ой, қуёш, сайёралар.

Азиз элим, бахтли элим,
Дуо қилгай ҳексалар.
Ниятида улғў неъмат,
Ватан яна юксалар.

Жоним юртим, тўй муборак,
Ҳамиша гуллаб-яшна.
Юракларда эзгу тилак —
Дунё тургунча яша!

МУҚАДДАС ТУПРОҚ

Ватандан кетма йироқ,
Ўзга юрт бегонадир.
Нон-тузга қўйма оёқ,
Она юрт яғонадир.

Ватандан кетма йироқ,
Пушаймон — сўнгги ўкинч.
Жонингни ўртар фироқ,
Таскин беролмас соғинч.

Дунёни қил зиёрат,
Кўргил яхши-ёмонни.
Аммо қилма хиёнат,
Тарк этма ўз маконни.

Илк бор кўз очдинг бунда,
Тўқилган киндик қонинг.
Тушинга кирар кунда,
Мазали тандир нонинг...

Соф ҳавосин симирган
Турналар қайтиб келур.
Адашган тойчоқлар ҳам
Қозини топиб келур...

Ватандан кетма йироқ,
Бегонадир ўзга юрт.
Ватан — муқаддас тупроқ,
Иймонни покиза тут!

Ўз юртингда бошинг тик,
Эгилмагай ҳеч қачон.
Оллоҳ танҳо бўлгандек,
Биттадир Ўзбекистон!

*Г.ЖҰРАЕВА 1937 йили туғилган.
Ўзбекистон Миллий университетининг
журналистика факултетини тугатган.
«Бахтим борки...», «Гул шайдоси»,
«Боғимда баҳор», «Ҳаяжон», «Иқбол» каби
ўнлаб тўпламлари чоп этилган.*

ЎЗБЕК ДАСТУРХОНИ

Дув этиб тўқилди дастурхонга Ёз,
Оламга сиймайди нозу неъматлар...
Кўзингиз қамашар, қандай гўзал, соз,
Дехқоннинг қўллари берган ҳимматлар...

Барака тошини босди буғдойзор,
Патир нон, жизза нон, ширмойи нонлар...
Жондан бошқасига тошди бу бозор,
Ризку насибага бой хонадонлар.

Қизлар қулоғида қўшалоқ гилос,
Олманинг қирмизи кўчган ёноққа.
Шафтоли, олхўри, анжирю чарос,
Ҳали гал келди қоп-қоп ёноққа.

Юлдуздек олчалар, анорлар маржон,
Ўрикнинг юз хили мени ол, дейди.
Ҳар бирин лаззати бир роҳати жон,
Юракка дармонни олиб қол, дейди.

Қуёш ўчоғида пишган тарвузлар,
Ковуннинг тилими тилини ёради.
Пистаю бодомлар ҳониста сўзлар,
Бари дастурхонни безаб туради.

Паловхон тўраимиз ҳануз ўртада,
Ёнида қазию қарталар сероб.
Норин ҳам сомсалар ундан ўтади,
Кетидан келди манти ё кабоб...

Дилноза ҲАМРОЕВА

ИССИҚ НОНДЕК МЕҲРИНТ

ЮРТ ҚАДРИ

Ватансизлар ўтар бегона бўлиб,
Ватани бор яшар мардона бўлиб,
Онамдек бошимда парвона бўлиб,
Юксак орзуларга қанотсан, Ватан!

Сени тарк этганлар нажот топмади,
Яшашга арзирли ҳаёт топмади,
Саодат топмади, сабот топмади,
Сен ўзинг таянчсан, нажотсан, Ватан!

Ўзинг остонасан, ўзинг эшиксан,
Тилло беланчаксан, олтин бешиксан,
Авлодлар дилида мангу кўшиқсан,
Сен ўлмас навосан, ҳаётсан, Ватан!

ТУҒИЛГАН КУНДА

Туғилган кунимда ажиб бир ҳолат:
Эшикни очаман, айланар бошим.
Бир қўлида қалам, бирда ғайрат
Остонада турар ўн саккиз ёшим.

Иқболдан нишона бўлган башорат,
Гўё манглаймда омад кўшим.
Кўклам ҳавосидек илиқ ҳарорат,
Остонада турар ўн саккиз ёшим.

Гулларга ўралган умрим гўзали,
Қалбдаги нафосат бўлсин йўлдошим.
Юксак чўққиларга етаклар ҳали
Остонада турган ўн саккиз ёшим.

*Д.ҲАМРОЕВА 1999 йилда Бухоро
туманида туғилган. Галаосиё
педагогика касб-ҳунар коллежининг
3-босқич ўқувчиси.*



ТОШТЕШАР — ХАБАРЧИ ҚУШ

Қизилиштон ўткир тумшугини дарахт тана-
сига беҳиз урмапти. Уйламанг, у дарахтни
уйғотмоқчи эмас, унга пўстлоқ орасидаги
курт-кумурсқа керак.

Каллик тумшугини ҳарсангга тўқ-тўқ ура-
япти, у тош емайди. Тумшуги ўсиб, учи қай-
тиб қолса, аҳволига вой...

Йўлакка "тап" этиб тушиб ёрилган нақш ол-
мани олақарга чўқилаяпти. У олманинг ширин
мазаси билан иши йўқ, унга олма курти керак.

Тоштешар эса, тоғ жонзотларининг митти
хабарчиси. У баланд тош устига чиқиб олиб,
ўткир тумшугини тошга тираб:

— Чик, чик, чиқақол, — деб безовта сайраяп-
ти. Демак, шу атрофда овчи — хавф-хатар бор.

Сал нарида тулкими, товушқонми, каллик-
ми, каптарми — ҳеч нарсадан беҳабар бир
жонзот тирикчилик ташвиши билан банд.
Овчи дилида ов гашти. Тоштешар дилида жон-
зотлар қайғуси. Ахир нўхатдай келадиган
юркакча-ю игна кўзидай митти жовдирак
кўзлар билан бир умрга аждар кўзли милтиқ-
ларнинг озгига тикилиб кун кўриш ҳам бечо-
ра жонворга қийин-да.

Ўрмончиларнинг айтишича, қалин чакалак-
зордаям Тоштешарга ўхшайдиган хабарчи қуш
бўларкан. Милтиқ кўтариб, ит эргаштириб
ўрмонга кирдингизми, кўкимтир, жиблажибон-
дай қуш овчига ҳамроҳ бўлиб, қадамингизни

ҲАМРОЕВ

ШАБИНАМ СИРЛАРИ

кузатиб, ўрмон ичкарасига кириб кетар, "Қоч,
қочавер", — дея чирқиллаб шохдан-шоҳга
қўнаверар экан.

Тоштешар — тўши оппоқ, патлари кўм-кўк,
қоши қоп-қора, тумшуги узун қушча. Тошлар
оралаб, қидириниб юрган овчи билан ўчаки-
шиб "ўлжани" қочириб пайида.

Овчи истаганини тополмай хуноб. Тоштеш-
ар эса шод-хуррам. Баланд тош устига чи-
қиб, "ноғорасини" чалиб сайрагани-сайраган.
— Чик, чик, чиқақол!..

Овчи бир тишлам гўшту бир чимдим пардан
бир ангишвона кўрғошинни аяйди, албатта.

Тоштешарнинг уяси ҳам қизик. У пиштил-
ган лойга юнғ, хас-хашак, қумтош аралаштириб
бўй етмайди қоя бетига ёпиштириб, тандир
уя ясади. Бу уяни узокдан кўрган киши кўза-
чани тошга ёпиштириб қўйибди-да, деб ўйла-
ши мумкин. Кўзача уянинг озги тор, ичи кенг.
Унга йиртқич қушларнинг боши сиймайди.

У ана шу сирли кўзачадай уясига барча
паррандаю даррандалар тунги ётоғига кир-
гандан кейингина бош сўқади. Жонсарак
қушча бир чимдим уйқусида ҳам чик, чик, чиқа
қол, — деб босинқираб чиқса ажаб эмас.

Гоҳ тўрт оёқли, гоҳ икки оёқли йиртқичлар
дастидан озорланиб қай қавакка бошини тик-
са, икки оёғи ёки думи кўриниб қолаётган
беғуноҳлар бахтига, ишқилиб, тоштешарлар
боши омон бўлсин-да.

Ночор жонзотларнинг бахтига Тоштешар-
нинг яралганини кўриб, она табиатнинг бу-
юклигига имон келтирмай иложимиз йўқ.

БУРГУТЛАР БАЛАНД УЧАДИ

Тоғ бургутлари жудаям баландда, чўққилар
кўзида, гўё кўз қорачиғидай макон қуришади.
Лангар тоғларида кўп эмас уч жойда — Шо-
вуз ва Қизил, яна Ҳисор чўққисиди бургутлар
яшайди. Уларнинг уяси атрофи оҳақ суртил-
ган каби оппоқ. Учаласиям айнан кунчиқарга
қараган.

Сабаби, улар қуёшни яхши кўришади.
Ҳамма жонзотдан олдин қуёшни қаршилаб,
салом беришни ёқтиради. Авваллари шундай
ўргатишган, ўзларининг сабоғи ҳам шу. Уяла-
ри шундай чароғонки, бундай ёруғлики бош-
қа бирор бир қуш кўтара олмади. Эрталаб
чиқаётган офтоб деярли ҳар кун, ҳар фасл-
да бор бўйини кўрсатиб, бўйлаб ўтади...

Полапонлар ҳам эртадан кечгача нурга
чўмилиб, нур ичра улғаяди. Шул боисдан ҳам
бургутлар ўпорақ, қуёшга тик қарай олади.

*Ҳ.РАҲМОНОВ 1947 йили туғилган. Қарши давлат университетининг
филология факултетини тамомлаган. «Чумолилар сўқмоғи», «Меҳрим сенга,
табиат», «Орият шажараси», «Соҳибқирон юртининг полковлари», «Мувоозанат
тарозиси» каби ўндан ортиқ китоблари нашр этилган.*

Жамол СИРОЖИДДИН

СЕҢ — ДУНЁСАҢ, ДУНЁТА САБРУ ҚАРОР ТИЛАЙМАН

ҲАЗАП

Ташнаман чўлда гиёҳдек
меҳрини дарёсига,
Лабларим етса қонардим
қошларингни «ё»сига.

Бу ҳаётда бир илинжу,
эйтиқодим сен, санам,
Дилдасан, кел энди жо бўл,
кўзларим маъвосига.

Кел гўзал, нур ёдириб,
қалбу уйимга соч зиё,
Шеър ёзай ёқмай чирогим
оразинг рўшносига.

Сенга боғлангач бу кўнглум
дардкашим бўлди ғазал,
Қайси шоир ишқи зўр,
киргай аруз дунёсига.

Тирик сатрлар

Малҳаме бер бу Жамолга
лабларинг бирла табиб,
Урма ҳижрон тигини ишқ
лардининг шайдосига.

ТИПАКЛАРИМ

Яхшиларга — яхши кун, шому наҳор тилайман,
Яйдоқ чўлларга зангор тилли баҳор тилайман.
Балавд тоғларга — ўрмон, каклик,
олқор тилайман,

Эй танаси бемор дўст, сенга мадор тилайман.
Бешигинга товус — қиз, ўғил шунқор тилайман,
Сен — дунёсан, дунёга сабру қарор тилайман.

Кўеш мисли самандар чир айланар фалакда,
Боқиб замин ҳолингча ойнинг жони ҳалакда,
Кўкми, қора бу осмон юлдузлари тилакда:
Ою офтобу юлдуз хавотири юракда.

Замин, сенга соф ёмғир ҳамда
оқ қор тилайман,
Сен — дунёсан, дунёга сабру қарор тилайман.

Маст бўлайлик қайтадан ҳандаланинг буйига,
Ё вафосиз ваъдага алданганинг тўйида.
Ё ваъдаси ёлгоннинг ҳижронига, қўйида,
Сен ҳам унинг уйида,

мен ҳам шунинг кўйида.
Аё, сенга вафосиз, бахтни бисёр тилайман,
Сен — дунёсан, дунёга сабру қарор тилайман.

Шердорнинг пештоқида шердан
қўрқмайди қовул,
Охуни қўйворса — шер этарди-ку тановул,
Доно лаган кўтарган тўйда менман бақовул,
Фикрату руҳиятдан тортиб борсанг ясовул,
Эй молпараст, руҳинга кайфи

ашёр тилайман,
Сен — дунёсан, дунёга сабру қарор тилайман.

Чўлга — гуллик тилайман,
қўлга — қўллик тилайман.

Сўқмоқларга сўқмоқлик,
йўлга — йўллик тилайман.

Оёқларга — пок манзил,
қўлга — қўллик тилайман.

Хирмонжойларга ҳосил,
мўлу қўллик тилайман.

Ҳар неки эзгулик бор, сенга такрор тилайман,
Сен — дунёсан, дунёга сабру қарор тилайман.


ВАТАН

Сал йироқ кетсам соғинчим,
дилда оҳимсан Ватан,

Кундузи офтоб жамолим,
туйда моҳимсан Ватан.

Отаю она, бобо,
момоларимнинг марқад,

Эртаги хоким, бутун пок
саждагоҳимсан Ватан.



*Ж.СИРОЖИДДИН (1955-2015)
ЎзМУнинг журналистика факултетини
битирган. «Бинафшабўй сочилигим»,
«Танбур», «Сиеб оқшомлари» сингари ўна
яқин китоблари чоп этилган.*

АСРЛАРГА ТЕНГ ЧОРАК АСР

Йиллар саногига қараб эмас, салмоғига қараб ўлчанади. Юз йил яшаб арзирли ҳеч нарса қилмаслик, йигирма беш ёшга кирган йигит ёки қиз оламага татигулик иш қилиб, асрлар оша ном қозониши мумкин. Куни кеча таваллуд айёмини нишонлаганимиз Александр Пушкин бор-йўғи 37 йилдан ошди-роқ яшаган. Лекин 370 йилларга арзирли оламшумул мерос қолдирган. Демак, йилларнинг салмоғи улар қандай улғу гога ва амаллар билан тўйинганига боғлиқ экан-да.

Газетамизнинг ўтган сонидан эълон қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан танишув жараёнида шундай фикрлар ҳаёда жонланади. Қарорда бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш натижасида чорак аср давомида эришилган ютуқлар концептуал равишда аниқ гавдалантириб берилган.

Муносабат

"амалга оширган кенг қўлмали ислохотларимиз самарасини, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимизда қўйган олий мақсад — энг тараққиёт топанг даялатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади", дейилади. Бу ердаги "танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш", назаримизда, жуда аниқ дастуриламал ибора. Зеро, ҳар қандай эришилган ютуқ ва эгалланган марра янги-янги муаммолар тугдириб борадики, уларнинг оптимал ечимини топишда танқидий кўз сув билан ҳаводек зарурдир.

Қарорнинг 7-бандида ўтказилиши белгиланган байрам тадбирлари орасида "Миллий гога — бизнинг гога" илмий-амалий анжумани ҳам бор. Шу муносабат билан адабиётшунос сифатида бир-икки мулоҳаза билдирсам. Яқин ўтмишимиздаги шўро адабий сиёсатида гога, гогавийлик машўм кучга эга эди. Қандайдан-қанда алломаларимиз унинг қурбонига айландилар. Бу эса айрим адабиётшуносларимизда адабиётда гоганинг ҳаётий аҳамиятига шубҳа уйғотиш, уларга адабий асардаги гога ҳақида гапириб ўтмишни қўмасаш бўлиб туолди. Шу маънода ўтказилажак анжуман "Миллий гога — бизнинг гога" дея янги маънодор номланган, бунда бутун бир назарий моҳият муҳассам. Гога бизнинг гогаимиз, яъни миллий гога бўлса — унга амал қилиш, яратилажак асарларнинг қон-қонига сингдириш, яъники уни бадиий гогага айлантириш Истиқлол даври адабиёти зиммасидаги бурчдир. Миллий гога биқиклик ёт, у барча умуминсоний қадриятлари ўзида жамлайди, айни пайтда, маънавиятга, инсонийликка, ахлоқ-одоғга зид иллатларга аёвсиз қарши курашади.

Юртбошимизнинг маъмур қарорий адабиётшуносларимиз зиммасига миллий адабиётимизнинг Мустақиллик давридаги чорак асрлик йўлини танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш вазифасини ҳам юклайдики, бунда миллий гога марказий ўринни эгаллаши мукарраб.

Сувон МЕЛИ,
Ўзвучилар уюшмаси Адабий танқид кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган маданият ходими

Журналлари варақлаганда

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

2016 йил, апрел сони

"Қўргали хусунини зор мубтало бўлдум санго..." мисраси билан бошланадиган машҳур ғазал мутолааси кўнгилларга завқ-шавқ бағишлаши тайин. Ҳазилнинг насрий баёни, умумий мазмун-маъноси, шунингдек, русча ва инглизча таржимаси "Навоий сабоқлари"нинг ҳар жиҳатдан таъсирчан ва оммабоплигини таъминлаган.

Журналнинг ушбу сонидан бир йўла икки машҳур француз адаби, Нобел совриндорлари ижодидан намуналар босилган. Патрик Модиазонинг "Тўй саёҳати" романининг давоми (Ш.Муноваров таржимаси) ва Леклезонинг бир ҳикояси (Р.Ш.Ширинова таржимаси) аслиятдан ўзбекчалаштирилгани таъкидлаш керак. "Адабий саёҳат" рукнида О.Отахонов таржимасида берилган яна бир француз ёзувчиси Анн Филипнинг "Бир лаҳза" номили қиссасини мутаржим ўз сўзбошидада "Муҳаббатга бағишланган мадҳия, сўнмас баёт", дея таърифлайди.

Ушбу сонда Сенегал адабиёти ва санъати ҳақида маълумот берадиган мақолалар, сенегаллик таниқли шоирларнинг шеърларидан намуналар тақдим этилган. Шеърларни З.Мунинова ва С.Оллоёр таржима қилган. Таниқли сенегал адаби С.Усмоновнинг "Франциядан мактублар" ҳикоясини инглиз тилидан С.Алижонов ўғирган.

Адабиётшунос Баҳодир Каримовнинг батафсил кириш сўзи билан берилган, атоқли адиб Абдулла Қодирининг тўпламларида босилмаган, ҳатто номи асарлари рўйхатида ҳам киритилмаган "Кўёш билан ҳам курашаман" ҳикояси адабиёт мухлислари учун ўзига хос янгилик, десак янглишмаймиз.

"Адабиётшунослик. Фалсафа" рукнида М.Асадовнинг "Патрик Модиазонинг ўтмишга саёҳати", М.Турсуновнинг "Қадим мадрасаларда таълим тизими", А.Мелибоевнинг "Тарихнинг унутулмас хатолари" ва Б.Менглиевнинг "Юксалиш методологияси ҳақида ўйлар" мақолалари ўқийсиз. Устоз таржимонлар сирасида бу гал Мамарасул Бобоев ижоди намуналари ҳамда у ҳақида адабиётшунос олим Н.Каримовнинг мақоласи билан танишасиз.

бир пайтнинг ўзида инкор ва тасдиқ макромини олгани учун бу асарни муайян маънода ниқоблар комедияси дейиш мумкин. "Ранг ва меҳвар" романи билан танишиш асосида аён бўладики, бадиий насрда образли ва ҳис-туйғуга тўйинган, шунингдек, мантқан далилланган хотира жуда кўл келди. Асар қаҳрамони мусаввир Комрон Валининг руҳий фаолияти ижодий ишга қаратилгани боис унинг хотираси ихтиёрсиз ихтиёрлилик асосида кечади. Қаҳрамон тошқин билан боғлиқ туркум асарлар устида ишлаётгани учун унинг руҳий фаолияти давомийликда намоён бўлади. Қайсидир маънода, буни феноменал касбий хотира, дейиш ҳам мумкин. Асарда аксарият руҳий таъсирлар ижодий қайта ишланади.

Роман талай жиҳатлари билан жаҳон адабиёти ва санъатида кечаётган ижодий жараёнлар, янгиланаётган миллий романий тафаккуримиздаги эвристикларга ҳамоҳангдир. Онг оқими фаолиятига асосланган бу асарда инсонга энг юксак қадрият деб қаралади ва онгнинг муайян қатламларини ан-

ни берган. Тошқин туркуми устида ишлаётган рассом образини яратишга киришган ёзувчи бу борада эришилган тажрибалар билан танишмаслиги мумкин эмас. Муаллиф романда буюк француз шоири Жак Преверни эслаши ва унинг рангтаъсир қудратини ифода этадиган шеър мотиҳатини асарига сингдириб юбориши алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, романда буюк файласуф шоирлар Жалолиддин Румий, Алишер Навоий ўғитлари, Машрабнинг ўтли сатрлари мазмун-моҳиятидан унумли фойдаланилганини кузатамиз. Бундай самарали изланишлар романнинг бадиий-эстетик савиясини кўчатиришга, адиб эстетик идеали ва позицияси ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилган.

"Кўнғирок" ҳикоясида А.Дилмурод бозор муносабатлари даврида инсон маънавий дунёсига хос азалий тартиблар ўзгариб боришининг моҳиятини излайди. Рамз ва мажозлар воситасида қаҳрамон руҳиятини тафтиш қилишга асосланган ушбу ҳикояда наҳот намбаи — ақл ва иймон бутлигини асраш, қаноатни широр этишидир, деган ҳулосага келинган. Муаллиф Тугалбойнинг асл жаҳардаги ички нидаго қулоқ тугиб, моддиончилик фалсафаси асоратларидан ҳалос бўлиш йўлини ишонарли кўрсатишга ҳаракат қилган.

"Кунсулув" ҳикояси қаҳрамони Зайнобиддиннинг хатти-ҳаракатларини тасодиф ва вазият бошқарида. Муҳими, афсонавий йўсинда содир бўлган тасодиф муайян сабаб туфайли, аниқроғи, Яратган эгамнинг мўмин бандасига кўрсатган муборак тухфага — сийловни тарзида содир бўлади. Бефарзандлик туфайли армон исқанжасида умргузаронлик қилаётган оила пойдеворига бесаёр қайнона Ойша хола ва келинчек Наима сарқашлиги туфайли дарз кетишига бир баҳя қолади. Аммо инсон ҳаёти бир ҳовуч умид, бир чимдики бағрикенглик, меҳр-шафқат, ҳиммат ва умидворлик билан тўланади. Тангри марҳамати эса беҳад даражада кенгдир.

Дарҳақиқат, бешик қучиб алла айтаётган кезде беҳад тўлиқиб, дийдаси юмшаган ва Тангрини шарафлаган келинчек ҳолини тасаввурда тиклаган китобхон ҳам хаёлан самовий кенгликларга кўтарилса ажаб эмас. Чунки ҳикоянинг ифода мароми ва умидбахш яқин инсон кўнглидаги андух сингари не-не исмли ва исмсиз туғунларни буткул ечиб юборади. Демак, ёзувчи одам боласи дилида армон узириблар баробарида, унинг ботинида ногаҳоний куртак очиши мумкин бўлган етти иқлим божи хирожига алишгусиз қувончу рағбат туйғуларини ҳам ишончи, таъсирчан ифодалашга эришган.

Қўринадик, ҳикояга ёзувчининг юрак қўри синган. У реал воқеликни бадиий идрок этиш ва унинг моҳиятини англашга интилган, муайян ҳодиса таъсирида содир бўлувчи хатти-ҳаракат ва оқибатлар аслида инсонни билишга қаратилганини нафис поэтик таҳлил этишга эришган. Ҳа, ардоқда ўтган беармон ҳар бир кунимиз чиндан-да сулув(Кунсулув)дир.

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти

Исломжон ЁҚУБОВ,
филология фанлари номзоди,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти

Кейинги пайтда адабиётимизда анъанавий насрга хос бадиий тамойиллар билан ёнма-ён тарзда ноанъанавий тасвир усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда. Турфа адабий оқим ва мактаблар тажрибаси миллий асосда ўзлаштирилмоқда. Натижанда воқеаларни жўн тафсилотлар орқали баён қилиш эмас, балки мажозийлик, шартлилик асосида тасвирлашга интилиш, насрга лирик ҳароратни, ритмни олиб кириш ва қаҳрамонлар руҳиятига сингдириш, психологик терапийа эришишга уриниш кузатилаётди. Муҳими, бу изланишларнинг илдиизи миллий адабий меросимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, таниқли адиб Асад Дилмурод қаламига мансуб "Хаёл чўғланиши" ("Янги аср авлоди", 2015) китобини кузатиш мақсадида мувофиқ. Китобга ёзувчининг сўнгги йилларда битган "Хаёл чўғланиши", "Кўнғирок", "Нарвон", "Кунсулув", "Хуфтон" номили бешта ҳикояси, "Ранг ва меҳвар" романи жамланган.

"Ранг ва меҳвар" романининг бадиий-эстетик замини "Хаёл чўғланиши" ҳикоясидан ибтидоланади. Шу боис, назаримизда, тўпلامга салмоқли роман номи эмас, нисбатан кичикроқ ҳажмдаги ҳикоя номи бе-

Асар сюжети тошқин воқеасини тасвирлаш жараёни атрофида кечади. Ёзувчи китобхон диққатини муҳим нуқтадан қалғитмасликка, юз бераётган воқеалар хусусида унинг фаол фикр юритишига туртки беришга а интилади. Дарҳақиқат, роман сюжети биз "воқеалар тизими" деб атайдиган анъанавий йўсинга мувофиқ тарзда эмас, балки лирик асарлардаги сингари йй-фикрлар, туйғу-кечинмалар ривожи асосига қурилган. А.Дилмурод композиция тушунчасини романининг барча хусусиятлари: матн қурилиши, бадиий нутқ шакллари, нуктан назар

АРМОНСИЗ КҮН СУЛУВДИР

рилган. Ҳикояда тасвирланган бадиий воқелик бош қаҳрамон — гўзаллик кезиб, илҳом ва ижод оларини қалбидан келтираётган рассомнинг феъли ва унинг устахонаси (кенг маънода жисми ва руҳий олами ўртаси)даги кураш тарзида намоён бўлади. Асар давомида поэтик ифода бадиий тасвирдан реаликка ва аксинча, реаликдан санъат асарига кўчиб туради. Улар узок мuddат мусаввир хаёлини банд этган, тасаввурда жонлантиришга қайта-қайта уринган тимсоллар. Бу образлар рассом хаёлидан кўтарилмайди, уни мудом ўйлантиради, мушоҳадага мажбур этади.

Рассом муўқалам билан ёлғиз қолган кезлардагина кўнглига таскин ва тасалли топади. Картиналарда тасвирланган қиёфаларни змидан кузатади. Ранглар оламига иштиёқ-ла шўнғиб, ички туйғуларга қулоқ тутган сари ўзидан қоникмаслик ҳисси ортиб боради. Ниҳоят, мусаввир кўнгли таскин топмай, воз кечган бешта суратидан сўнг яратган олтинчи картинада санъат воситаси-ла ўз мақсадига эришади... Эътибор берилса, "Хаёл чўғланиши" ҳикоясида яратилажак романнинг мўъжаз тарҳини кузатиш мумкин.

"Ранг ва меҳвар" романида ёзувчининг жаҳон адабиёти ва санъати турли мактаб ва оқимлари тажрибасидан ижодий илҳом олганига ретроспекция ва гротеск усулларидан, мажозий ифода йўсинидан самарали фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

Роман воқеалари реал ҳаётда юз берадигандай тасвирланмади. Шу боис асарда гўё фабула йўқдай туюлади. Аммо асарда жойлаштирилиш тартиби ва ҳикоя йўсини ўзгарган воқелик мавжуд экан, биз сюжет ва унинг схемаси, композиция ҳақида сўзлашга тўла ҳақлимиз. А.Дилмурод замонда орта қайтиш (ретроспекция) усулидан самарали фойдаланиш, сюжетдан ташқари ривоятлар, киритма эпизодлар, мушоҳадаю тафсилотларни бадиий матнга сингдириш туфайли асар "бадиий вақт"ни "параллел вақт" ҳисобига кенгайтиришга эришган.

объектлари, персонажлар тизими, сюжет қурилиши учун муҳим деб билган.

Романда эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги зиддият ифодаланган. Бош қаҳрамон Комрон Вали нуктага назарини тасдиқлаш орқали инсон ва жамиятнинг азалий муаммолари хусусида баҳс қурилган. Қаҳрамон инсонийлик, самимият, адолат, меҳр-муҳаббат, адабиёт, санъат, умуман, ҳаёт мазмуни борасида маънавий-руҳий баҳсга киришар экан, ўзига хос мулоқот юзага келади. Фикрлар курашига хос конфликт, яъни нарса-ҳодиса, тушунча-ҳолатларга турлича муносабат неғизда қиссадан ҳисса чиқарилади.

Биз бадиий асарларни баҳолашда кўпинча диққатни персонажлар ҳаракатининг макон ва замонда кенишига қаратамиз. "Ранг ва меҳвар"да эса ҳаракат ривожи инсон руҳиятида кечаётган жараёнлар мисолида кузатилади. Бунда ички ҳаракат динамикасида асосланган сюжет турти етакчилик қилади. Воқеаларнинг нечоғли аҳамият касб этиши персонаж руҳиятида кечадиган жараёнга қай даражада туртки бера олиши, унинг тақдирда ўзгариш ва бурилиш содир бўлишига таъсири жиҳатидан баҳоланади.

А.Дилмурод реаллик ва хаёлот, гўзаллик ва хунуқлик, фожевийлик ва комиклик сингари бир-бирига зид ҳолатларни ажабловур уйғунлаштира олган. Романдаги образлилик инсон хаёлий кенгликларининг батафсил тасвири орқали намоён бўлади. Тўғри, зоҳиран қаралса, ижодкор тасаввурдаги бадиий воқеликнинг бу каби ифодаси бирқадар гайритабиий, ҳатто мантисиздай туюлиши мумкин. Чунки реалистик тасвир услуби талабига кўра бадиий ва хаётий воқелик ҳамisha ҳам бир-бирига мутаносиб келавермайди. Романда адиб қарнавал усулидан самарали фойдаланган. Унинг кулгиси

лаш ва ишонарли кўрсатишга интилиш кузатилади. Романда инсоният тақдирига даҳл қилиш банданинг иши эмаслиги айтилади. Одамларни бесаёр мақсад сари етаклаган шўролар тузуми кирдиқорлари қораланади. А.Дилмурод фикрича, одам боласи ҳар қанча ҳўрлик ва зўрлик билан кўрқитилса ҳам, унинг руҳий интилишларида инсоний эътиқод яшайди. Инсонни ўз хаёлий олами, хотираси ва гўзал туйғуларидан ажратилмаслиги эмас. Чунки ички кечинма-майлар ва эътиқод — даҳлисиз дунё. Ёқин ўтмишдаги зўравон мафкура кишилардан итоаткор манкуртлар ясамоқчи бўлди. Улар одамни таҳқирлашда бешафқат усуллардан фойдаланган, ҳатто ҳалқ фарёдларидан лаззатланган бўлса-да, ҳеч қачон миллатнинг курашчан, ижодкор ва бунёдкор руҳини сўндирма олмади.

Биз романда юнон мифологиясида Олимп тангриси саналган Аполлон номини тез-тез учратамиз. Романининг айрим ўринларида юнон афсонасига кўра севги ва гўзаллик маъбудаси Афродита номи ҳам тилга олинади. Англашлайдики, ёзувчи роман ёзишга киришар экан, Кичик Осиёдан тортиб Юнонистонгача тарқалган мифологик қарашларни назарда тутиб иш қўришга интилган. Бу билан инсоният барча замонларда севги ва гўзаллиқни ардоқлаб келганини таъкидлашга эришган.

"Ранг ва меҳвар"да буюк рассомлар Ван Гог ва Пабло Пикассо ҳаёти ҳамда ижодига ургу берилган ўринлар бор. Демак, ёзувчи бу серкира ижод соҳибларининг рангтаъсир, ҳайкалтарошлик, графика йўналишидаги асарларини эътибордан қочирмаган.

Шубҳасиз, таъсирий санъат тарихини ўрганиш ижодкорга табиатдаги жараёнларнинг тақдорлишини тасаввур қилиш ҳамда ўтмиш хотиралари билан қалб тебранишларини уйғунлаштириш имкони-

Адабий жараён

Бугун адабиётимизда воқеликни бадиий акс эттиришда ранг-баранг усуллардан фойдаланилаётгани, хоҳ насрда, хоҳ насрда бўлсин бири иккинчисини тақдорламайдиган оригинал, китобхонларнинг бадиий-эстетик дидаи кенгайиб, бойиб боришига хизмат қиладиган асарлар яратилаётгани қувонарлидир. "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" журналларида ҳар йили ана шундай янги асарлар эълон қилинаётди. Ёзувчи Шодикул Ҳамронинг "Қақнус қанотидаги умр" номили қиссаси ("Ёшлик" журнаси, 2015 йил, 8 — 9 сонлар) ҳам бугунги ўзбек насрини бойитган шундай асарлар сирасидан, десак муволақа бўлмайди.

Ушбу қиссадан назмининг нафаси уфуриб туради, ҳаётнинг рангин бўёқлари орқали яшашнинг мазмун-моҳиятини англашга даъват этадиган эзгу туйғулар ифодаси китобхон руҳиятига таъсир қўрсатади. Ҳикоя қилувчи, унинг хотини, тиланчи асар воқеаларида фаол иштирок этса-да, уларнинг исмлари йўқ. Дунёга келган гўдак — Муайяд ва ҳикоя қилувчининг талабалли йилларидаги дўсти Ҳаётнинггина исмлари бор, холос. Асар ички тузилиши ва воқеалар ривожида тутган ўрнига кўра Муайяд қиссанинг бош қаҳрамони. У асар бош гогаини ифодаловчи, ҳаётнинг абадийлиги, умрнинг ўткинчилиги, инсоннинг туғилганидан умр поёнигача ўзи ишонган ҳақиқатларга талпиниб яшаш ҳақидаги фалсафий қарашларни муҳассам этган образ.

Қиссанинг номи ҳам теран маънога эга: Қақнус ҳамisha тириклик, мангу барҳаётлик тимсоли. Фарзанд туғилганидан кейин унга муносиб исм қўйиш ота-онанинг бурчи. Дунёга келган гўдакка шундай исм қўйиш кераки, келгусида у ўз исмидан уялиб юрмасин. Қиссада ҳам ҳикоя қилувчининг дунёга келган фарзандига муносиб исм қўйишда боши қотади. Исм қўйишда шакланган миллий урф-одатларимизни эслайди. Фарзандига муносиб исм тополмай ўз ёнига ўзи қориллиб юрган пайтда у қайсидир китобдан "Қорайимлар қиссаси"ни ўқиб қолади. Уни қорайимларнинг фарзандга исм қўйиш маросими, қадимги урф-одатлари ниҳоятда тўлқинлантиради. Бироқ бу ҳақда илмий раҳбари бўлмиш профессорга айтганида, у бу одатни ёқламайди, эскилик сарқити сифатида талқин қилади.

Ҳаёллари алғов-далғов бўлиб юрган эр гавжум кўчада тиланчилик қилиб ўтирадиган бир чолга садақа улашади ва чол: "Исмада ҳам сир бор"лиги, унда инсон тақдирини яширинганини ўқтиради. Шундан сўнг тасодифан отанинг хаёлига Муайяд деган исм яшиндай урилади ва шу исмини у ўғлига қўйишга қарор қилади.

Муайяд ота-она гавжурлиги остида ўса бошлайди. Гўдакнинг ҳар бир хатти-ҳаракати уларга чексиз қувонч бағишлайди. Аммо орадан ҳеч қанча вақт ўтмай эр-хотини ҳайратга соладиган воқеа содир бўлади. Хали тили чикмаган Муайяд уй ичида ниманидир излашга тушади: гиламини кўтариб остига қарайди, излаган нарчасини тополмагач, тахмонга қараб эмаклаб боради ва унга кўл суқиб кўради. Гўдак нима-

ни излаши мумкин? Эр-хотин лолу хайрон. Бироқ сабабини билишолмайди. Чунки гўдак дилида нима кечаётганини айт-толмайди.

Ҳаётни реалистик тасвирлашнинг бадиий усул ва воситалари тафаккурнинг чексиз имкониятларига таянган ҳолда шундай даражага кўтарилидики, "онг ости" оқимлари, ҳиссий сезимлар бизнинг воқелик ва ундаги ҳақиқатларга янгила ёндашувимизга, уларни бошқача идрок этишимизга эътиҳе туғдирмоқда. Гўдак Муайяднинг хатти-ҳаракатлари, ниманидир излашининг сирини аслида ҳаётнинг мураккаблиги, синовлари беҳад кўп экани билан изохланади. Инсон гўдақлик чоғиданок

ҚАҚНУС — БАРҲАЁТЛИК ТИМСОЛИ

серғалва дунёнинг сирларига, жумбоқларига дуч келади. Воқеалар давомида Муайяднинг ҳаракатларида янги-янги кирралар пайдо бўлади. Қорайимлар тетик, ранг-рўйи жойида. Фақат излаганини тополмаган пайтда асабийлашади, баъзан юзлари оқариб, рангпар бўлиб қолади, баъзан толиққанидан қип-қизариб кетади.

Унинг излагани нима эди? "Ҳаётнинг қўйнига бир лаҳзагина қўнган мана шу гўдак" нимани англади ва нимага интилди? Гўдақнинг нимани излаётгани ота-онасига сирлигича қолиб келаётган кунларнинг бирида отанинг хаёлига гўдақни олиб кишлоққа бориш фикри келган. Хотинига бои айтганида унинг юзига қон югуради. Хуллас, фурсатни бой бермай поездга икита чипта олиб, уйга қайтган эр эшикдан кирган жойда хотинига қўзи тушади. Аёлнинг юзи қизарган, у ҳажон оғушида эди. Эр нима бўлганини сурштиришга тушади. Шунда хотини у поездга чипта олиш учун кетганида дарвозасини қулфлаб уйда ўтирганини, аммо қандай қилиб бўлса ҳам ховлига сочсоқли ўсиб кетган бир чол кириб олгани, кетавермагач унга битта нон олиб элтиб берганини айтади. Нонни тўрвасига солиб олган чол бу уйда бир касал бола борлигини, у мудом ниманидир излашни, излаган нарчаси эса унинг киндиғи эканлигини сўзлаб беради. Аммо чақалоқнинг кесилган киндиғини қаердан топиш мумкин? Аёл гўдақ туғилганда киндиғи тугруққонда қолиб кетганини айтади. Эр тугруққонга келиб мақсадини баён қилганда доя унга бироз ажабланиб қараб туради-да, бир йил бурун туғилган боланинг киндиғини қайдан топиб бераман, боланинг кесилган киндиғи ўша пайтдаёқ ташлаб юборилади, деб жавоб беради. Умид билан келган отанинг ҳуши бошидан учиб, ортига қайтади...

Қисса ана шундай яқунланади. Уни ҳаяжонланиб, воқеалар ривожида бирга оқиб, толиқмай ўқийсиз. Бош қаҳрамон Муайяднинг дунёга келишидан ота-онаси қувониши, унча-мунча қилиқ чиқара бошлаган гўдақнинг қутилмаганда гайритабиий ҳаракатлари — гилам қатидан, тахмондан ниманидир излаши китобхондаги қизиқини қучайтириб, диққатини асар охиригача ушлаб туради. Қиссада кўзда тутилган бош гога — тирикликнинг абадийлиги, ундан ҳар қим ўз насибасини олиши, баъзан инсон ҳаётининг мулқ ҳақиқатлари олдидан оғиз қоли-

ши, бунга турли тўсиқлар мавжудлиги ўзига хос тарзда бадиий гавдалантирилган. Отанинг тугруққонга бориб, ўглининг кесилган киндиғини топиб беришларини илтимос қилгани, аммо гўдак туғилган пайтдаёқ унинг киндиғи ташлаб юборилгани яқин ўтмишда миллий менталитетимизга хос одат ва анъаналарга бепасандлик билан қаралганини англайди. Аслида урф-одатимизга кўра гўдақнинг киндиғи кесилгандан сўнг лат-лага тугулиб, онасига берилади ва бешикага боғлаб қўйилади. Битта бешикада бир оилда туғилган барча фарзандларнинг киндиғи боғлаб қўйилиши ана шу одат, анъана туфайлидир.

Асар якунида берилган муаллифнинг "Сўнгсўз"идаги фикрларида ҳам яқин ўтмишда миллий анъаналаримиз топталгани, ҳатто оналарнинг алла айтиши эскилик сарқити сифатида қоралангани эслашга интилган. Қиссада ана шу чеклашларнинг, тақик ва таъйиқларнинг оқибатлари бадиий талқин этилган.

Асарга киритилган "Қорайимлар қиссаси" ҳақидаги ривоят муваффақиятли чиққан. Қадимги қабилада исм қўйиш маросими қиссахоннинг исм тополмай қийналишларидаги табиийликини қучайтирган. Ҳикоя ичидаги ҳикоя асар сюжетига сингиб, яхлитлиқни ҳосил қилган. Исм қўйиш масъулияти азалдан халқимизда миллий қадриятлардан экани халқ озгаки поэтик ижодиди ҳам кўринади. "Алпомиш" достониди Бой-бўри хондонидида туғилган гўдакка исм қўйиш маросими катта тантангага айланади. Чақалоққа қандай исм қўйиш лозимлиги жамоатдан сўралганда, узокдан Шохимардон пир келаётган бўлади. У гўдакка бек бўлсин, бекларнинг улғуи бўлсин, дея Ҳакимбек исмини қўяди. Бу тасвир қиссада ҳикоя қилувчининг фарзандига исм қўйишда қийналгани табиийлиги китобхонни ишонтиради.

Қисса айрим камчиликлардан холи эмас

ТАРИХЛАРНИ ЯНГРАТГАН САНЪАТ

Халфачилик Ўзбекистон номоддий маданият мероси Миллий рўйхатидан жой олган қадриятларимиздан бири. Халфачилик нафақат Хоразмга, балки бутун Ўзбекистонга хос аёллар ижрочилиги санъатидир.

Халқ ижодиётининг ноёб ёдгорлиги сифатида халфалар репертуаридаги тўй-маросим кўшиқлари ва достонлар, ўзлари яратган кўшиқ ва шёрлар халқимиз орасида оммаланиб кетган.

Етук ижодкор Ожиза халфа ўз ижоди билан катта обрў-этибор қозониб, "устоз-шогирд" маҳорат мактабини яратди. Унинг кўпгина шогирдлари ва издошлари ушбу санъатнинг янада яшариб, такомиллашиб боришига ҳисса қўшиб келишди. Аммо асрлар оша, авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб келаяётган миллий кўшиқчилик санъатимизнинг мазкур қадимий ижрочилиги йўналиши ҳозирги кунда унутилиш арафасига келиб қолган.

Маълумки, халфачилик Хоразм локал услуби ва аъналарига хос фольклор санъати, ижодкорлик ва ижрочилик қадриятларидан бири бўлиб, алоҳида хусусиятлари, ижро услублари ва ижрочилар таркибидан иборат. Халфачиликда сўз (шеърят, достон), мусиқа (созандалик, хонандалик) ва рақс санъати мужассам. Халфалар фаолияти маълум йўналишларга бўлинади: чолғу орқали куйларни чалувчи "халфа сози", шоира ва кўшиқ яратувчи ҳамда тўй ва базмларда кўшиқлар ижро этувчи "халфа ёдоғи" (шоира, хонанда ва созанда), достон ва ундаги терма-кўшиқлар ижроси — "халфа достончи", рақс тушувчи аёллар — "халфа раққоса ёки ўйинчи" ҳамда "халфа китобий" — таъзия ва маросимларда китоб ўқувчи аёллар.

Бундан ташқари халфалар ансамбли ва яққа халфалар бўлган. Ансамбл уч кишидан иборат, яъни устоз халфа (айни вақтда гармон чалади ва кўшиқ айтади), доирачи (кўшиқларга жўр бўлади, баъзан рақс тушади) ва ўйинчилар (рақс тушади, қайроқ билан ўйнайди, етакчи халфага кўшилиб, кўшиқ ҳам айтади, баъзан доира ҳам чалади) бирлашиб, жамоани ташкил этадилар. "Халфа ёдоғи" тўй кўшиқлари, лапар ва ялларани; "халфа достончи" халқ достонларини, уллардан олинган парчаларни ва достон терма-кўшиқларини, биргаликда ўзлари яратган ёки

бошқа ижодкорлар асарларини соз ва доира жўрлигида талқин этадилар. Яққа халфалар достон, шеърларни ва термаларни чолғусиз ижро этадилар. Улар достонларни ёддан — озгаки ёки ёзма аънада, турли мавзудаги китобдан ёқимли оҳангда ўқийдилар. Тўй ва базмларда "халфа китобий"лар "Ёр-ёр", "Тўй муборак", "Тўй кутлови", "Келин салом" каби маросим кўшиқларини ижро этиш билан шухрат қозонганлар.



Ушбу санъатда икки хил характердаги ижро услубини кузатиш мумкин. Биринчиси тўй-маросим кўшиқлари бўлиб, уларда сўз ва куй уйғунлиги, мазмунан хилма-хиллик, куйлар ижро этиш вазияти ҳамда тўй жараёнига мослашганлик маъжуд. Кўшиқ ижросида маросим кўриниши ва шароити ҳамда ижро жараёнининг асар мазмуни билан чуқур мантқий алоқадорлиги, мавзу жиҳатдан яроқли кузатилади. Ушбу ижро услуби овоз, мусикий-вербал талаффузи, чолғу жўрнавотлиги ва усул имкониятларининг ўзаро уйғунлигида намён бўлади. Иккинчи усул достонлар ҳамда достон парчалари ва уларнинг терма-кўшиқлари жонли равишда куйланишига, ҳикоя, шеър ва айтим жиҳатлари билан ўзаро боғланишига асосланади. Халфалар эпик

асарларни тўла ижро этишдан кўра, уллардан парчалар, терма-кўшиқлар ва ўзлари яратган асарларни куйлашга алоҳида эътибор берганлар. Ижро давомида достонларнинг назмий (шеърлий) қисмлари куйланса, насрий (прозаик) ўринлари ижрочиларнинг ўзларига хос ифода тилда баён этилган.

Айтишда алоҳида оҳанг, ўзига хос таъсирчан (товуш) куйланган. Ушбу ҳолат Хонимжон халфа, Биби шоира ва Ожиза халфа ижодларида намён бўлган.

Халфалар ижросида мусиқа, айтим ҳам етакчилик қилади. Достоннинг ҳар бир терма-кўшиғи муайян кўйда, енгилроқ усулда талқин этилади. Ҳозир кўшиқлар аънавий усулда эмас, балки янги (эстрада) мусиқа кесимида, қайта ишланган



кўринишида оммага тортик қилинмоқда. Лекин образ яратишда, сўзларнинг тингловчиға етиб боришида, уларнинг кучидой оширишда мусиқа алоҳида аҳамиятга эга. Ижрочиликда мавзу халфининг дардчил овоз таровати ила янги ранглар билан бойиб, мазмуний теранлик касб этади. Демак, халфачилик санъатида мусикий-шеърлий воқиталар орқали дардли ҳолатлар янада таъсирчан тус олади.

Халфачилик ҳозир нафақат аънавий "устоз-шогирд" мактаблари, балки замонавий Хива мусиқа мактаблари, Урганч ва Эллиққалъа санъат коллежларида, жумладан, Хива шаҳрида ташкил этилган "Халфа" қизлар мактаби орқали ҳам ўлаштирилмоқда. Халфалар танлови Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа туманида "Нафосат бўстони ма-

Қадриятларимиз

ижро услубларидан ижодий фойдаланиш амалиёти жиддий муаммолардан бўлиб қолмоқда. Устоз халфалар сафимиздан кетиши натижасида "устоз-шогирд" аъналарини амалиётда йўқолиб бораётди.

Камчиликлардан яна бири ёшларнинг ижро малакаларига, аънага риоя қилиши ва репертуарга бориб тақалади. Халфачилик намуналарини ҳозирги амалиёт кесимида бекаму кўст садолантириш мураккаб жараён бўлиб, унинг ижобий ечимини етук санъаткорлар билан ҳамкорликда ишлашга боғлиқ. Соҳани ривожлантириш учун биринчи навбатда санъат ва мусиқа мактабларида халфачилик синфларини очиш лозим. Сабоқ берувчи халфа-хонанда ёки халфа гуруҳи маълум малака ва назарий билимга эга бўлиши керак.

Халфачилик аънава ва услубларини тиклаш, ўлаштириш — бу бой аънавий маданият меросимиз — халқ кўшиқлари, шеърлати, достонлари, маросимларини билиш, сақлаш, тарғиб этиш ҳамда уллардан фойдаланишга кенг йўл очади. Бинобарин, миллий оҳанг билан йўғрилган ҳар қандай мусиқа намуналари — хоҳ кўшиқ, хоҳ чолғу йўли ёки ашула ва бошқа айтим жанрлари бўлсин, халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг миллий мафкура-сини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода кунчи кеча Хоразмда илк бор ўтказилган халфалар фестивали ҳамда тадбир доирасида уюштирилган "Халфачилик: аънава ва замонавийлик" мавзусидаги илмий-амалий анжуман амалга оширилажақ тадбирларнинг дебосчаси бўлиб, келгусида яхши аънавага айланади, деган умиддамиз.

Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Бошланиш биринчи саҳифада.

АҚШдаги статистик-тадқиқот институтининг 138 мамлакатда ўтказган сўровлари натижаларига кўра Ўзбекистон дунё микёсида энг бахтиёр одамлар яшайдиган мамлакатлар орасида Франция, Италия, Буюк Британия, Япония каби давлатларни ортда қолдириб, 29-ўринни эгаллагани, шунингдек, тезкорлик билан ривожланаётган 5 та мамлакат сафидан ўрин олгани, шубҳасиз, ҳар биримизда фахр ва гурур туйғуларини жўш урдиради. Бундай кўрсаткичлар дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида ўз

бор: "...шарафли йўлимизни, амалга оширган кенг кўламли ислохотларимиз самарасини, кўлга киритган улкан марра ва ютуқларимизни танқидий кўз билан сарҳисоб қилиш, олдимишга кўйган олий мақсад — энг тараққий этган давлатлар қаторига кириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб олишда, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади". Айнан шу фикрлардан келиб чиқадиган бўлса, истиқлолнинг дастлабки йиллари театрларимиз майда мавзулар, маиший масалалар атрофида ўралашиб қолган эди. Қатор тарихий асарлар саҳналаштирилгани билан, муҳим мавзулар изчил давом эт-

ҲАЙРАТЛАР ДАВРИ

ўрнимиз борлигига ишонч уйғотади. Ахир, ўйлаб кўрайлик, биз 25 йил ичида эришган муваффақиятларга айрим давлатлар 100-200 йил сарфлагани сир эмас.

Атрофимизга бир назар солайлик. Марказий Осиё давлатларининг ҳаммаси бир хил иқлим шароитда жойлашган. Лекин дунё Ўзбекистонини шу ҳудуднинг энг ишончли давлати сифатида тан олмақда. Биргина темир йўл қурилишига 4,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди. Тогни тешиб ўтиб, узоқ манзилларни яқин қилишга эришдик. "Афросиёб" поезде бу йил Бухорога, кейинги йил эса Хоразмга боради. "Қамолот" уйлари, намунали уй-жой биноларини айтмаймиз!

Бевосита ўзим хизмат қилаётган театр санъатига бир назар ташлайлик. Кўп йиллар шаклланиб келган соҳани 25 йил ичида янги йўлга бурси, истиқлол даври театрини яратиш айтишга осон. Соҳа ходимларига берилган имконият ва ғамхўрликлар, қабул қилинган фармон ва қарорлар ривожланиш сари кенг йўл очди.

Президентимиз қарориди шундай жумлалар

тирилмади. Агар таъбир жоиз бўлса, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси саъй-ҳаракати билан эндиликда ўзбек театри санъати ҳаётида жиддий бурилиш юз бермоқда. Саҳналаримизда миллий мумтоз асарларимиз, жаҳон классикаси, бугунги ижтимоий воқеалик бор бўйи билан намён бўла бошлади. Кўпга истеъдодли ёшлар сафимизни тўлдирди. Ҳозир шундай ёш актёр, актрисаларимиз борки, улар билан бир саҳнада чиқиш учун тажрибали санъаткорлар ҳам жиддий тайёргарлик кўрадилар. Улар бугун саҳналаримизда буюк аждодларимиз қиёфалари, изланувчан, истеъдодли ёш авлод образини дадиллик билан ижро этишга таянган. Биз бугун дадил изланиш йўлидан бориб, бир жойда тўхтаб қолмаслигимиз, юртимиз тараққиёти билан баробар қадам ташлашимиз лозим. Ана шундагина яна йигирма беш йилдан кейин бугунги ишларимизни фахрланиб тилга оладилар.

Мирза АЗИЗОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

НАВОБАХШ УМР

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадия Юсуповани муҳлислар моҳир хонанда, истеъдодли театр актрисаси сифатида яхши танишди. Устоз санъаткорнинг узоқ йиллик самарали ижоди, серқирра изланишларини фидойилиги ёшлар учун ибрат бўлишга арзийди.



Болалигида онаси билан бирга Намангандаги атлас фабрикасида катнаб, ҳаваскорлик билан ўз устиди ишлашга, китоблар мутолаа қилишга ундайди. Театрда Раззоқ Ҳамроев, Эйтибор Охунова, Лутфихоним Савадимсоқова, Фароғат Раҳматова сингари устоз санъаткорлар сабоғидан баҳраманд бўлади. Ре-

Устозлар ибрати

жиссёлар кенг овоз имкониятига эга актрисага катта ариятлар, бош роллар ижросини иқбиланмай топширишади. Ҳадия Юсупова ҳозир пойтахтимишдаги "Халқобод" маҳалласининг сеvimли онахонларидан. Шогирдлари устоз даврасида бўлиб, янги кўшиқлар матни, уларнинг куйланиши борасида маслаҳат олишнинг қанда қилишмайди. Саксон ёшлари қаршилаш арафасидаги санъаткор фарзандлари, неварою эваралари бағрида кексалик гаштини сурмоқда. Барча муҳлис ва шогирдлари номидан Ҳадия опага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

лида фаолиятини давом эттирди. Мақомларнинг моҳир устаси Сирож Аминовдан "Талқинчаи ирок", "Қашқарчаи мағулчаи дуғоҳ", "Таронаи баёт", "Чапандози наво" сингари халқимиз сеvim мумтоз ашула-ларини, мақом йўлларини кунт билан ўрганди. Шунингдек, Саодат Қобулова, Берта Давидова, Коммуна Исмоилова каби етук хонандалар билан ҳамкорликда ижод қилиб, ижро маҳоратини қиймега етказди. Профессонал ижодни педагогик фаолият билан ҳам уйғунлаштирди. Ўзбекистон давлат Санъат институтида деярли ўттиз йил устозлик қилиб, бор билим ва тажрибасини ёшларга ўлашди.

Матлуба ИСОҚОВА,
театршунос

Журналларни варақлаганда

"МОЗИЙДАН САДО"

2016 йил, 2-сон

Журналнинг навбатдаги сони ёзувчи Ш.Бўтаевнинг бош мақоласи билан очилади. Унда муаллиф мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби музейлар фаолиятига ҳам катта эътибор берилгани ҳақида сўз юритиб, бу йил шонли саналарини нишонлаётган музейлар ишига тўхтаган.

Муаллифларнинг мақолаларида республикамиз музейларидаги бугунги жараён, уллардаги муҳим топилмалар, чет эл музейлари билан алоқалар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. А.Ҳакимовнинг "Жихиз" деб номланган мақоласида Қашқадарё вилоятидаги арабий гилам тўқуши усули, К.Крахмалнинг "Чодак", Р.Пардаевнинг "Ургут қадамжолари" мақолалари юртимизнинг табиат масканлари мўъжизалари ҳақида қизиқарли маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. З.Алимовнинг "Шарқ тарихий географиясига оид янги манба", Д.Қурбоновнинг "Хориждаги миллий меросимиз", П.Хожаметовнинг "Игорь Савицкий", Ш.Камолдиннинг "Нодир манба", М.Ҳасанийнинг "Маҳдум Восилий" сингари турли мавзулардаги мақолалари ҳам журналхонларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Нозима ТўЛАНОВА

ЁШЛИК БАЙРАМИ

"Биз — буюк юрт фарзандларимиз" фестивали бугун мамлакатимиз ёшларини бирлаштирувчи катта анжуманга айланди. Халқимиз эришган энг улук, энг азиз нёмаг — мустақилликнинг мазмун-моҳиятини теран идрок этишга чорловчи ушбу кенг кўламли лойиҳа доирасидаги тадбирлар Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек туманидаги таълим муассасаларида ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Тошкент ирригация ва мелiorация муҳандислари институти қошидаги академик лицейда "Қамолот кутубхонаси", Мирзо Улугбек туман информатика касб-ҳунар коллежиди "Депутат ва ёшлар", Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежиди "Сиз сеvimан қахрамонлар" каби мавзулардаги учрашув ва суҳбатларда оммавий маданиятнинг салбий таъсиридан ёшларни асраш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш хусусида сўз юритилди.

Фестивал якунида "Қамолот" ёшлик спорт мажмуаси футбол майдониди "Биз соғлом турмуш тарзи тарafdоримиз" дастури доирасида спорт томошаси ҳамда гала-концерт бўлди.

Мухтарийбегим ИСОҚОВА

БУХОРОДА МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

Бухородаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабиди "Бухоро бастакорлари" вилоят мусиқа фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бастакорлари уюшмаси, вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари ҳамда халқ таълими бошқармалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мусиқа ва санъат мактаблари, коллеж ва олий ўқув юр்தларининг ўқувчи-талабалари, шунингдек вилоятнинг фаол бастакорлари қатнашди.

Фестивалда М.Раҳматов, Л.Салқова, Б.Исमतова, А.Ҳайдаров, М.Қодиров, Ф.Ҳайбуллаев

сингари бастакорларнинг турли мавзудаги куй-кўшиқлари, романслари, хор асарлари янгради. Ж.Тоҳиров, М.Жўраева, Д.Худойбердиев, М.Ҳикматова, С.Умарова, М.Идиева каби ижрочиларнинг маҳорати тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

Ҳакамлар ҳайъати Баҳодир Исमतовни биринчи, Маҳмуд Раҳматовни иккинчи, Аҳмад Ҳайдаровни учинчи даражали дипломларга муносиб топди. Энг яхши асарлар ва уларнинг ижрочилари фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Д.ҚОДИРОВА

ЖОНЛИ МУЛОҚОТЛАР

Гўзал ва бетакорр Ватанимизнинг ҳар бир ҳудудида истиқлолимизнинг 25 йиллик байрами муносиб кутиб олишга катта тараддуд кўрилади. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламалга айланди. Жойларда "Гўзал ва бетакорримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказил-

моқда. Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида ана шундай маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғинида таниқли шоир, ёзувчи ва санъаткорлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, таниқли санъаткорлар Меҳри Бежонов, Тоҳир Саидов йиғилганларга мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги

қарор мазмун-моҳияти бўйича тушунчалар беришди. Мулоқот чоғида мустақиллик ота-боболаримизнинг асрий орузи бўлгани, ёш авлод бунинг қадрига етиши, тинч ва фаровон юртимизни асраб-авайлаши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Истиқлолимизнинг чорак асрлик тўйини нишонлаш аравасида, — деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т.Саидов. — Йигирма беш йил тарих учун қисқа вақт, бироқ ана шу давр мубайнида халқимиз ҳаётида шундай муҳим ўзгаришлар юз бердики, дунё мамлакат-

лари ҳавас ва ҳайрат билан қарамоқда. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари халқимиз қалбиди Ватанга муҳаббат, садоқат туйғуларини янада жўш урдиради. Бизгача бўлган авлодлар мустақиллигини орзу қилиб ўтдилар, биздан кейинги авлодлар эса мана шу ёруғ кунларимизни алқаб ҳаёт кечиряшади.

Учрашув қатнашчилари истиқлол йилларида Тошкент вилояти, жумладан, Ўрта Чирчиқ туманида юз берган ўзгаришларга ҳам эътибор қаратишди. Бугун Ўрта Чирчиқ тумани вилоятидаги катта иқтисодий-ижтимоий салоҳиятга эга ҳудудга айланган. Тошкент-Бекобод

автомобил йўлининг Ўрта Чирчиқ туманидан ўтган 5,8 километрик қисмида — Бектемир кўчасида бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур кўчада замонавий лойиҳалар асосида бир юз олтимишдан ортиқ уй-жой, саксонга яқин савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи ҳамда спорт иншоотлари, намунали уйлар қад ростламоқда.

Тадбир давомида адабиёт, санъат мавзуда суҳбатлар, ёш авлод вақиллари билан қизгин мулоқотлар уюштирилди. Йиғилганлар таниқли санъаткорларнинг ижодий чиқишлари, гўзал куй-кўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

Муниса АЛИЕВА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Президентимизнинг 2016 йил 2 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси она диёримизда амалга ошириладиган кенг қўламли ислохотлар, Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги йўлидаги улуввор янгиланишлар, замондошларимизнинг ёрқин сиймолари акс эттирилган, юксак маҳорат билан ёзилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги асарларнинг

"ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!"

Республика танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИ:

- Битта биринчи ўрин — энг кам иш ҳақининг 75 баравари миқдориди;
- Иккита иккинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдориди;
- Учта учинчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдориди;
- Бешта рағбатлантирувчи ўрин — ҳар бири энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдориди пул мукофотлари билан тақдирланади.

Танлов голиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида эълон қилинади.

Танлов голибларининг асарлари тўплам ҳолида чоп этилади.

Танловга марҳамат, азиз ижодкорлар!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августига қадар республикамиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадиий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърый йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда замондошларимизнинг фидокорона меҳнатлари, заҳматкаш халқимиз амалга оширадиган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий ҳаёт, маърифат ва маънавият соҳаларидаги оламшумул ўзгаришлар, юртимиз ободлиги, миллий қадриятларимиз ва ёш авлод камоли, миллий гурур ва ифтихор, Ватан туйғуси, Истиқлол ғоялари ҳаётий мисоллар, гуран фикр-мулоҳазалар ҳамда ўзига хос ифода йўналиши билан тараннум этилиши лозим.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлиmlари ва Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси томонидан танловга тавсия этилган асарлар 2016 йилнинг 5 августига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф аризаси ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шoҳ кўчаси, 16-а уй.

Мурожаат учун телефонлар: 227-08-27, 227-08-30

Ҳали сочларининг бирор толаси оқармай, умрининг авжи навқирон палласида шахс даражасида камолга етиш, эл назарига тушиш камдан-кам кишиларга nasib этади. Бундай инсонлар билан нафақат қавм-қариндошлари, дўсту биродарлари, балки юртдошлари ҳам фахрланади.

Ҳаётнинг барча ширин неъматлари ҳали олдинда бўлган, навқирон ўттиз бир ёшида, жайдари таъриф билан айтадиган бўлсак, эндигина оғзи ошга етай деганда оламдан кўз юмган бир муштирап етим қиз Раъно Узоқова чақмоқдек қисқа умрида ўзидан қандай излар қолдирди? Ватан, эл олдида қандай хизматлар қилди? Айниқса, бу хизматлар адабиёту маънавият мезонлари билан ўлчанса қанақа тош босади? Ўтли нафасида ҳўлу қуруқни баб-баробар ёндирган яқин ўтмишининг долгали даври шоиранинг миттигина кифтига

ралари билан ўзбек жангчиларини рағбатлантириб турган шоиранинг атиги йигирма битта шеъри жамланган "Мардона юрин" номи митти тўплами дунё юзини кўрди, холос. Қолган икки тўплами ўша давр адабиёти жонқуярлари Зулфия-хоним ва Душан Файзий ташаббуси билан тўплам ҳолига келтирилган.

Адабиёт осмонига юлдуздек бир ярқ этиб ёниб ўчган Раъно Узоқовадан ҳам ўрганса, ибрат олса арзигулик салмоқли мерос қол-

Жангта кирсанг, зирқирасин ёв тани, Саф ичда эрдек савлатлим, қизим...

(“Она ва қиз сўхбати.” Самарқанд, 1942 йил, июль.)

Шоиранинг Сурхон воҳасида ўтказилган 75 йиллик хотира тўйида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев фахр билан шундай деган эди:

— Етмиш беш йиллиги нишонланаётган шоирамизни минбарга чиққанларнинг ҳаммаси

“Раъно опа” деб тилга оляпти. Демак, у барчанинг хотирасида ярим аср аввал ўтиб кетган навқирон, барваста қизлигича қолибди. Бундай шарафли инсонлар қаримас экан. Хурлигича қолар экан...

Айтмоқчи эдимки, адабиётшунос олимларимиз фақат таваллуд кунлари яқинлашганда хотирлаб қўймоқ билан кифояланиб қолмасдан, шоиранинг ҳали яхши ўрганилмаган ижодий меросини тадқиқ қилсалар, нур устига нур бўлар эди. Бу йил Раъно Узоқова таваллудига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги махсус қарор қабул қилди. Уйлаймизки, хотира тадбирлари Раъно опа ўқиган, ишлаган, қизгин ижод билан шуғулланган Самарқандда ҳам ўтказилади, албатта. Шу баҳонада шоиранинг ижодий мероси адабиётшунослар томонидан тадқиқ этилади, унинг номи асарлари орқали бугунги ёш авлод қалбидан ҳам муносиб ўрин эгаллайди, деб умид қиламиз.

Тоштемир ТУРДИЕВ, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Умр ибрати

СУБҲИДАМ ҚАЛДИРҒОЧИ

жойлаган юкнинг залвори не чоғли бўлган?

Етим қиз гўдаклигидан Термиз вокзали машинисти Бадриддин Сағитдинов ва унинг рафиқаси Марям опа хонадонида тарбияланди. Улар бутун меҳрлари билан оқ ювиб, оқ тараб парваришлаган қизалоқлари Раънони саккиз ёшида интернатга ўқишга бердилар. 1927-1931 йилгача Термиз таълим-тарбия билим юртида таҳсил олган эҳли қиз ўша йиллардаёқ ўтли мисралари билан эл назарига тушган эди. Бир неча йил қишлоқ мактабида муаллимлик қилган Раънони қалбидаги назма ошуфталик хисси катта йўлга ундар, санъат ва адабиёт оҳанрабо янглиғ ўзига тортиб, юксак парвозларга чорлайверарди:

Останангта қўйдим қадам,
Бир дунё умид билан.
Ўлжам бўлиб хаёлларим,
Шоирона дид билан.
Ҳаётимнинг наъшақидир,
Сен-ла кечган дамларим.
Фаслларим кулган баҳор,
Гуллари — мисраларим!

Тақдир тақозоси билан Самарқанд шаҳрида яшай бошлаган шоира вилоят газетасида маданият ва санъат бўлими мудир вази-фасида ишлади. Саид Назир, Душан Файзий, Садриддин Айний каби ўз даврининг ўнлаб таниқли адиб ва шоирлари билан елкама-елка ишлаб, чинакам ижод уммонига шўнғиди. Қисқа муддатда шоира бешта дoston, юзлаб шеър газаллар, баллада ва поэмалар, шу билан бирга, қатор бадиий-публицистик мақолалар, қисса ва ҳикоялар, саҳна асарлари ҳам ёзди. Аммо уларни китоб шаклига келтиришга улгурмади. Ўша йиллари бутун дунёга даҳшат солиб турган "XX аср балоси" деб аталмиш фашизмга қарши мардонавор жанглар кетаётган бир пайтда давлаткор, ўтли мис-

ган. Халқимизнинг табарруқ сиймосига айланган Зулфияхоним ҳам ўз хотира битикларида Раъно Узоқова ижодида алоҳида эҳтиром ила тўхталади. Баъзан ҳаёт хархашаларидан толиққан кезларида турмуш ўртоғи Ҳамид Олимжон унга: "Мана, аёлларимиз қандай ёзишяпти? Мана шундай ёзиш керак!" дея далда берганини, олиб ўқиса, улар Раъно Узоқованинг шеърлари эканини мисол қилиб келтиради.

Мен ҳам қувваи ҳофизам етганича ана шу маънавий меросни замондошларимизга китоб ҳолида етказиш мақсадида, яхши инсонлар кўмағида баъзи саъй-ҳаракатларга қўл урдим. Шуларнинг самараси ўлароқ, аввалига Раъно Узоқованинг ҳаёти ва ижодида бағишланган "Субҳидам қалдирғочи" номли китоб ҳамда 1993 йил — шоира таваллудининг 75-йиллиги арафасида энг сара асарлари жамланган "Сайланма"(Ғафур Ғулom номлидаги адабиёт ва санъат нашриёти)сини чоп эттирдим.

Таъкидлаганимиздек, шоира даъваткор мисралари билан нафақат эр-йигитларни, балки оташқалб қизларни ҳам манфур ёвга қарши қурашмоққа ундаб келди:

Дарё эмас, тошган юрак газаби,
Ором бермас менга виждон азоби.
Парчалай, ёв бўлса — жафо туғёни,
Меҳрибоним, жангта кетмасам бўлмас.
Қириб ёвни яқсон этмасам бўлмас.

Оқ йўл тилаб, оқ сунитга рози бўл,
Эй, жасорат, мардлигининг устози.
(Мардонавор янгрисин Раъно сози)
Меҳрибоним, жангта кетмасам бўлмас,
Қириб ёвни, яқсон этмасам бўлмас.

Боғда ўсган сарви сифатлим, қизим,
Садоқатда Барчин келбатлим, қизим.

"ЁШЛИК"

2016 йил, 4-сон

Журналнинг илк саҳифаларида Соҳибқирон Амир Темура таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали маросим ҳақида ахборот ва фотолар берилган. Ёш ижодкор Биби Роби Саидованинг публицистик мақоласи Истиқлолнинг йигирма беш йиллигига бағишланган. "Сатрларга сиймаган ҳайрат" очеркида ёзувчи Луқмон Бўрихон тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Холиджон Комилонинг "нафақат кишилар кўзига нур бахш этувчи, балки кўнгилларни ҳам зийға тўлдирувчи инсон"лиги ҳақида ҳўкоя қилади.

Назм илосмандлари эътиборига шоир Икром Отамуроднинг "Дардларига малҳам — меҳрингни тутиб" номли янги туркуми, Эшқриб Вали шеърлари тақдим этилган. Насрий асарлар сирасидан Бахтиёр Нуриддин, Акмал Мурод, Ғафур Шермухаммад ҳикояларини ўқийсиз. Нобел мукофоти совриндори Иван Буниннинг "Ойдин кенчада" ҳикоясини О.Толиб таржима қилган.

"Нигоҳ" рункида таниқли олим Беғали Қосимов ҳақида замондошларининг дил сўзлари ва адабиётшуноснинг умр лаҳзалари акс этган фотолар билан танишасиз. Шунингдек, журналнинг ушбу сонда мултоз адабиёт масалалари ёритилган мақолалар, "Бобосўз", "Тавсия" рунлирида турли мавзулардаги ўқиниш материаллар эълон қилинган.



ДИЛ ТУҲФАСИ

Холиқназар Холниёзов шеърятинида ватанпарварлик, юртга муҳаббат, эл қайғуси сингари мотивлар етакчилик қилади. Яқинда "Тафаккур" нашриёти-

да чоп этилган "Истиқлол илҳомлари" номли янги тўпламидан ҳам ана шундай туйғулар тараннум этилган шеърлар ўрин олган. Китобга жамланган шеърлар турли йилларда ёзилган бўлиб, уларда Ватан саодати, аждоқлар хотираси, гўзал қадрият ва удуллар таърифи, шунингдек, муҳаббат мавзуси қаламга олинган. Сайланмадан обод турмуш манзаралари акс этган, юракларда ҳайрат ҳаяжон уйғотаётган бунёдкорлик ишлари, она диёрнинг кундан-кун очилиб бораётган кўркам хуниндан илҳомланиб ёзилган "Муқаррар музаффар", "Озод Ватан кучоғида", "Бундан ортиқ даврон бўлмас" сингари шеърлар жой олган.

"Ҳаётнинг, турмушнинг ўзи бу инсон

Янги нашр

кўнглида илҳом алангасини ёққан ва уловуллаб ёнишда давом этмоқда. Ён-атрофда кечаётган жўшқин тириклик жабоҳаси, қувонч ташвишлар, ўзаро инсоний муносабатлар уни қўлига қалам олишга ундаган", дейди таниқли ёзувчи Луқмон Бўрихон китоб аввалидаги сўзбошида.

Кексаликнинг сурурли дамларида қалби илҳом булғиқдан қониб сув ичаётган шоирнинг ушбу дил туҳфаси сиз азиз ўқувчига манзур бўлади деган умиддамиз.

В.ИБРОҲИМОВА

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданият соҳасида узоқ йиллар фаолият юритган, меҳнат фаҳрийси **ШАҲАТ СУБХОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзил: uzas.gzt@mail.ru
Котибият — 233-49-93

Танqid ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир
Сирожиқдин САЙИД

Тахриратга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси.
Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.20

ЖУМА КУНАЛРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВЛА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2381-634X

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6619. Бувортма S — 6187. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6